БПК

06 2019

БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ

Илмий-амалий ойлик журнал

РЫНОК, ДЕНЬГИ И КРЕДИТ

Ежемесячный научно-практический журнал

ИПОТЕКА – КЕЛАЖАК ҲАҚИДАГИ ОРЗУЛАРГА БУГУН ЭРИШИНГ! – 16-БЕТ

- «ТРАСТБАНК» – МОЛИЯ БОЗОРИДА 25 ЙИЛ! 4-БЕТ
- ПУТИ РАСШИРЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА МЕЖДУ РОССИЕЙ И УЗБЕКИСТАНОМ СТР. 34
- АНАЛИТИЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛ МЕЖДУНАРОДНЫХ ИНДЕКСОВ СТР. 42

ISSN 2010-6580

TURON BANK

Лимончиликни Туронбанк билан ривожлантиринг!

«Туронбанк» АТБ томонидан **«Ҳар бир оила – тадбиркор»** дастури доирасида томорқа хўжалигида лимончилик лойиҳасини (ихчам иссиқхоналар қуриш, кўчатлар етиштириш ва агротехника хизматлари) амалга ошириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилади.

Лимончилик йўналиши бўйича кредит миқдори – оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг кам иш ҳақининг 150 баробаригача, кичик тадбиркорлик субъектларига энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача.

Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси: 8 фоиз.
Муддати: 5 йилгача.
Имтиёзли давр: 2 йил.

www.turonbank.uz
turonbank
turonbank turonbankuz

99895 144-60-00

Хизматлар лицензияланган

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан соҳа фидойиларини самимий муборакбод этади.

Юртдошларимизни холис ва ҳаққоний ахборот билан таъминлашдек масъулиятли, заҳматли ишларингизда Сизларни куч-ғайрат ҳеч қачон тарк этмасин!

Шунингдек, Халқ банки юртдошларимизга Ўзбекистонда биринчи бўлиб жорий этилган Кредит карта хизматини таклиф этади.

КРЕДИТ КАРТА

Орзулар рўёбга айланган фурсат!

Имтиёзли давр 30 кун (ҳар ойда)

Йиллик фоиз ставкаси 36%

Имтиёзли даврда фоиз ставкаси 0%

Кредит линияси 5 йил муддатгача очиқ линия

Кредит миқдори 5 000 000 сўмгача

(+998) 78-120-17-51
(+998) 78-120-17-52

web site: www.xb.uz
e-mail: info@xb.uz

Онлайн конверсия | Карталар | Кредитлар | Омонатлар | ФЖБПТ

www.xb.uz info@xb.uz (0371) 200-00-55

Хизматлар лицензияланган

Contents

June №6 (265), 2019 year

BANKING ACTIVITIES

4 *V. Umirov*
Customer trust is the highest recognition!
«Trustbank» – 25 years in the financial market

12 *S. Ochilov*
The People's bank: preferential loans will extend the capabilities

CREDITING

16 *M. Nazarova*
Improving mortgage loans for young families

28 *F. Niyazov*
Foreign experience of investment in mortgage

INTERNATIONAL COOPERATION

34 *S. Voronin*
Ways to expand economic cooperation between the Russian Federation and the Republic of Uzbekistan

INTERNATIONAL INDICES

42 *S. Chepel*
Analytical potential of international indexes in solving the problem of sustainability of development

POPULATION EMPLOYMENT

52 *Sh. Kucharov*
Improving the activities of the labor authorities is demand of the time

FINANCIAL SECURITY

58 What is cybersecurity and why is it needed?

LOOKING AT HISTORY

66 *I. Bakieva, Sh. Kenjaev, R. Abdirashidov*
A glance at the fiscal and tax policy conducted in Turkistan in the 2nd half of 19th – beginning of 20th century

WORLD NEWS

70 International economy in brief

МУАССИС ВА ҲАМКОРЛАРИМИЗ:
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Агробанк, Асакабанк, Алоқабанк, Капиталбанк, Микрокредитбанк, Савдогарбанк, ТИФ Миллий банки, Туронбанк, Трастбанк, Халқ банки, Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоқ қурилиш банк, Ипотекабанк, Ипак йўли банки

ТАҲРИР КЕНГАШИ:
М.Б. НУРМУРАТОВ
(кенгаш раиси),
И.И. НОРҚУЛОВ
О.А. БУТАЕВ,
А.Х. ШОДМОНОВ,
Р.О. ОХУНОВ
(бош муҳаррир),
Ш.Т. КАРАЛИЕВ
(кенгаш котиби),
А.Б. ВОИТОВ,
К.Н. ИРИСБЕКОВА,
А.Қ. МИРСОАТОВ,
Ч.С. МИРЗАЕВ,
Б.М. МУЛЛАХОНОВ,
С.Р. НОРМУХАМЕДОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Директор:
Г.Н. БЕЗГИН
Бош муҳаррир ўринбосари:
В.С. УМИРОВ
Масъул котиб:
Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ
Реклама ва маркетинг хизмати раҳбари:
Ғ.Н. ҲАНДАМОВ
Тел.: (+998)71-291-60-20,
(+998)97-752-43-77
(+998)97-752-44-77

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,
Тошкент ш., Толлимаржон кўч., 1/1-уй.
http://www.bpk.uz/
e-mail: info@bpk.uz

Материаллар кўчириб босилаётганда журналдан олингани кўрсатилиши шарт. Юборилган қўлёзмаларни тақриз қилиш ва қайтариб юборишни таҳририят ўз зиммасига олмайди.

Журналнинг обуна индекси: 853
ISSN 2010-6580
Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида 2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.
Гувоҳнома рақами: 0058
Теришга берилди: 15.06.2019 й.
Босишга рухсат этилди: 10.07.2019 й.
Бичими: 60x90/8.
Офсет босма усулида чоп этилди.
Шартли босма табоғи: 9.0.
Буюртма № 54. Адади: 2550.
«Lux Print» МЧЖда чоп этилди
(Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Толлимаржон кўчаси, 1/1-уй).
Баҳоси шартнома асосида.

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналида мақолангизни чоп этмоқчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда қуйидаги манзилга юборинг: **info@bpk.uz**

Таҳририят томонидан қабул қилинадиган мақолаларга талаблар билан журналимизнинг www.bpk.uz сайти орқали танишишингиз мумкин.

Эслатма: муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий даражаси, иш жойи ва боғланиш телефонларини аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги аннотациясини юборишлари шарт.

6/2019
Июнь (265)

Бозор, пул ва кредит
Илмий-амалий ойлик журнал
1996 йил сентябрдан нашр этилмоқда

БУ СОНДА
В НОМЕРЕ

БАНК ФАОЛИЯТИ

4 ***В. Умиров***
Мижозлар ишончи – энг юксак эътироф!
«Трастбанк» – молия бозорида 25 йил

12 ***С. Очилов***
Халқ банки: имтиёзли кредитлар имкониятларни кенгайтиради

КРЕДИТЛАШ / КРЕДИТОВАНИЕ

16 ***М. Назарова***
Ёш оилаларга ипотека кредитлари беришни такомиллаштириш

28 ***Ф. Ниязов***
Зарубежный опыт инвестирования в ипотеку

МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

34 ***С. Воронин***
Пути расширения экономического сотрудничества между Российской Федерацией и Республикой Узбекистан

МЕЖДУНАРОДНЫЕ ИНДЕКСЫ

42 ***С. Чепель***
Аналитический потенциал международных индексов в решении проблемы устойчивости развития

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

52 ***Ш. Кучаров***
Меҳнат органлари фаолиятини такомиллаштириш – давр талаби

МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИК

58 Киберхавфсизлик нима ва у нега керак?

ТАРИХГА НАЗАР

66 ***И. Бакиева, Ш. Кенжаев, Р. Абдирашидов***
XIX аср 2-ярми – XX аср бошларида Туркистонда олиб борилган молия ва солиқ сиёсатига бир назар

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

70 Халқаро иқтисодиёт қисқа сатрларда

МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ – ЭНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФ!

«ТРАСТБАНК» – МОЛИЯ БОЗОРИДА 25 ЙИЛ

Журналимиз бош муҳаррири ўринбосари Воҳид Умиров «Трастбанк» ХАБ Бошқаруви Раиси ўринбосари Фурқат Иркинович Самархўжаев билан суҳбатлашди.

– Фурқат Иркинович, банкнинг 25 йиллик тўйини қандай кечинмалар билан кутиб олдингиз?

– Мамлакатимиздаги илк хусусий банклардан бири бўлмиш «Трастбанк» ХАБнинг ходимлари унинг чорак асрлик фаолияти давомида молия бозорида банк муносиб ўрин эгаллаши учун кунма-кун тиним билмай фаолият кўрсатишди, саъй-ҳаракат қилишди. Банк ташкил этилганидан кунлардан бошлаб хизмат қилиб келаётган ходимларимиз ҳам бор. Бундан ташқари, банк очилган 1994 йилдан бошлаб унга ишонч билдириб, ҳисобрақамини банкимизда очиб фаолият юрита бошлаган ва ҳозиргача биз билан ҳамкорлик қилаётган мижозларимиз ҳам йўқ эмас.

Ўша вақтда янги иш бошлаган хусусий банкларга ишонқирамаган, мижозларни бундай банкларда ҳисобрақам очишдан айнитганлар ҳам бўлган, албатта. Бироқ янгиликка интилувчи, нотаниш сўқмоқлардан юришдан чўчимайдиган, таваккалчилар, дангалчилар борки, ривожланиш бўлади. Пайтдан фойдаланиб, шу мураккаб йўлни банкимиз билан бирга босиб ўтган, аввалбошданоқ бизга ишонч билдирган мижозларимиз ва ҳамкорларимизга миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Бугун банк эришган ютуқларда нафақат банкда меҳнат қилаётган ва унда ишлаб нафақага чиққан ёки бошқа жойларга ўтиб ишлаётган ходимлар, балки энг биринчи мижозларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Ўша вақтларда банкларда хизмат турлари у қадар кўп бўлмасди, қайси бир мижозга конвертация керак, қайси бир мижозни нақд пул олиш билан боғлиқ муаммолар қийнайди, кимдир катта миқдорда кредит олмоқчи бўлади ва ҳоказо. Шу масалаларни ҳал этиш учун ўша вақтларда банкдан банкка кўчиб ўтишлар, иккиламчи ҳисобварақ очиб ишлашлар кенг авж олган эди. Банкимиз ташкил этилганида у биржа савдоларига хизмат қилиши кўрсатилган бўлса-да, амалда банк кенг кўламдаги хизматларни таклиф эта бошлади, зеро универсал банк сифатида хизмат кўрсатиш йўли билангина соҳада кучайиб бораётган рақобатга бардош бера олиш мумкин эди. Кенг миқёсдаги хизматларни кўрсата оладиган банкни мижозларнинг ўзлари излаб топишади.

– Банк ташкил этилган 90-йиллар қайси жиҳатлари билан ёдингизда қолган?

– Бу давр банк тизими энди-энди шаклланиб, оёққа тураётган давр бўлганди, тизимда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар талайгина эди. Ўша мураккаб даврлардан банкимиз муваффақият билан ўта олди. Ходимларнинг ўзларига бириктирилган вазифаларга виждонан муносабатда бўлишлари, тезкорлик, ҳозиржавоблик, билимдонлик каби сифатлари банкимизнинг мижозлар базаси кенгайиб, мустаҳкамланишида муҳим устунлардан бўлди. Банк ишида профессионаллик даражасига эришиш ҳам йиллаб меҳнат, машаққат, сабр-тоқат, тиришқоқликни талаб этади. Мана шундай ходимлар молия бозорида муносиб ўрин эгаллашимизни таъминлаб берган асосий омиллардан бўлган, десам адашмайман. Уларнинг гарданида яна бир муҳим вазифа – тобора кенгайиб бораётган банкка ёш ходимларни жалб

этиш ва уларга устозлик қилиш, билганларини ўргатишдан иборат устоз-шогирдлик анъаналарини давом эттириш ҳам бор эди.

Банк раҳбарияти ва ходимларининг меҳнатлари самара бера бошлади – 2000-йилларга келиб банк барқарорлик кўрсаткичлари бўйича республиканинг ўртача катталикдаги банклари орасида муносиб ўрин эгаллади. Бу йилларга келиб банк тизимида йирик давлат банклари, ўртача катталикдаги банклар ва кичик банклар орасида фарқ яққол кўзга ташлана бошлаган эди.

– Қисқа муддат ичида мамлакатимиз Президентининг банк фаолиятини янада ривожлантириш билан боғлиқ қатор фармон ва қарорлари имзоланди, улар ҳақида нима дея оласиз?

– Соҳани янада ривожлантиришга йўналтирилган ҳар бир фармон ва қарорни ижобий қарши олдик. Тижорат банклари уларнинг фаолиятига хос бўлмаган функциялардан озод этилгани, кўплаб назоратчи ташкилотлар рўйхати кескин қисқартирилгани, нақд пул айланмаси назорати билан боғлиқ масалаларнинг кун тартибидан олиб ташланиши айни муддао бўлди. Натижада банк ходимлари 80-90% вақтларига ўзлари эгалик қила бошладилар ва кўпроқ саъй-ҳаракат ва имкониятларини асосий иш, яъни мижозларнинг талабларини кенгроқ ва тўлароқ қондириш, янгидан-янги банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, мижозлар билан индивидуал ишлаш, уларнинг муаммосига қулоқ тутиш ва имкон қадар тезроқ ижобий ҳал этиш кабиларга қарата бошладилар. Энг муҳим натижа шундан иборатки, аҳоли ва тадбиркорларнинг банкларга бўлган ишончи, банкларни ўзларининг молиявий маслаҳатчиси ва ҳамкори сифатида кўриши кундан-кун ортиб бормоқда. Банк қонунчилигининг босқичма-босқич такомиллаштириб борилаётгани ҳам банк тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар учун кучли юридик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Кези келганда мамлакатимизда 2017 йилдан бошланган иқтисодий ислоҳотлар, шу жумладан, банк тизимида рўй бераётган кескин ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Орадан унча кўп вақт ўтмаган бўлсада, аҳолининг банкка бўлган ишончи ортди, йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолар барҳам топди. Халқимиз меҳнаткаш халқ, тадбиркорларимиз том маънода тадбирли кишилардир. Ҳозирда амалга оширилаётган ишлар вақти келиб ўз самарасини беришига ва мамлакатимиз ривожланишда етакчи давлатлар билан беллаша оладиган даражага етишига ишончим комил. Мамлакатимизни дунёнинг етакчи давлатлари қаторида кўриш учун биз банкирлар ҳам баҳоли-қудрат ҳаракат қиляпмиз, албатта.

– Фурқат Иркинович, хорижий банкларда ишлар қандай ташкил этилишини яхши биласиз. Нима деб ўйлайсиз, Ўзбекистон банклари жаҳон стандартлари бўйича ишлай оляптими?

– Бу борада шахсий фикрим шундан иборатки, хорижий стандартларни тўлиқ қўллаш доим ҳам тўғри бўлавермайди. Албатта, биз хорижий шериклардан кўп нарса ўргандик ва уларнинг тажри-



баларини жорий этяпмиз ҳам. Бироқ Ўзбекистон банкларининг мижозлар билан ишлаш борасида ўз тажрибалари бор ва ҳатто 2017 йилгача бўлган энг мураккаб даврларда ҳам банкларимизда мижозларнинг хоҳиш-истакларини бажариш борасида мақтанишга арзигулик катта тажриба тўпланган эди. Буни, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимиз банклари учун хос бўлган ички стандартлар, дейиш мумкин. Яъни бизда ҳам мижозларнинг талабларини қаноатлантириш бўйича муайян тажриба тўпланган ва бу стандартларнинг афзал жиҳатлари ҳам талайгина. Масалан, халқаро тўловлар бўйича экспорт ёки импорт билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари учун зарур барча воситалар бизда ҳам мавжуд. Қимматли қоғозлар бозори ҳозирча унча ривожланмаган соҳалардан бири эканлиги эътироф этиляпти, бироқ уни ривожлантириш бўйича мамлакатимизда илк қадамлар ташландики, евробондлар, давлат облигациялари муомалага чиқарилгани каби янгиликлар шулар жумласидандир.

Стандартлар масаласига қайтиб шуни айтиш жоизки, хорижий банклар ҳам биздан ўрганишлари мумкин бўлган нарсалар бор. Ҳозирда мамлакатимиз банкларида мижозлар ва аҳоли бугун биздан талаб этаётган, ривожланишнинг ҳозирги босқичи учун хос бўлган ҳамма шароитлар муҳайё этилган, десам муболаға бўлмайди. Ҳарҳолда, сўнгги 2-3 йил ичида соҳада рўй бераётган ижобий ўзгаришлар шундай дейиш учун бизга тўла асослар беради.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

2018 йилнинг 29 декабрь куни Сертификатлаштириш уюшмасининг «Russian Register» (Россия) халқаро сертификатлаш органи аудиторлари гуруҳининг якуний йиғилиши натижаларига кўра, «Трастбанк» ХАБга Сифат Менежменти Бошқарув Тизими (RVI, IAF) талабларига жавоб берадиган ISO 9001:2015 сертификати тантанали равишда топширилди.

Аксарият банк хизматларининг кечаю-кундуз кўрсатила бошлагани банк тизимимизда эришилган энг катта ютуқлардан бири бўлди. Одатда 9.00дан 18.00гача давом этадиган «банк иш куни» деган атама бундан буён ўз аҳамиятини йўқота боради, деб ўйлайман. Бунинг учун республика тўлов тизими барча техник имкониятларга ва муайян тайёргарлик даражасига эга. Бугунми, эртами, бундай хизматлар барча банклар томонидан кўрсатила бошлайди, буни вақтнинг ўзи талаб қилмоқда. Қолаверса, банк хизматларидан кечасию кундузи фойдаланиш имконияти ҳозирги замон талаби, яъни ислоҳотларни тезроқ амалга ошириш учун кўпроқ ишлашимиз тақозо этилаётгани нуқтаи назаридан ҳам ўринлидир.

– Барча минтақалар Банк филиаллари билан қамраб олинганми?

– Бухорода филиал қурилиши ишлари жадал бормоқда. Банк акциядорлари ва, қолаверса, давр талаби шуки, биз филиаллар тармоғини янада кенгайтиришимиз ва барча минтақаларни ўз банк хизматларимиз билан қамраб олишимиз лозим. Минтақаларни филиаллар тармоғи билан тўлиқ қамраб олиш жойлардаги шарт-шароит, аҳолининг ва ўша ердаги тадбиркорлик субъектларининг хоҳиш-истаклари ўрганилиши, маркетинг тадқиқотлари ўтказилиши, салоҳиятли кадрлар бор-йўқлиги аниқланиши, олинган маълумотлар таҳлили каби ўзига хос тайёргарлик ишлари амалга оширилишини талаб этади.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

«Трастбанк» ХАБнинг сўнгги икки йиллик молиявий ҳисоботлари етакчи аудиторлик компанияларидан бири – «Гранд Торнтон» томонидан тасдиқланган. Халқаро молия муассасаларига банк фаолияти билан боғлиқ барча ички ахборот материаллари тақдим этилган бўлиб, бу банк операциялари очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда банк янада мустаҳкам ҳамкорликка интилишини яна бир бор тасдиқлайди.

– Халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали Ўзбекистонга кириб келаётган пулларнинг миқдори камайганини нима билан изоҳлаш мумкин?

– Тўғри, сўнгги вақтларда статистика маълумотлари республикага кириб келаётган хорижий валюта маблағлари оқими камайганини кўрсатмоқда. Бундан буён ҳам бу тенденция, назаримда, камайиш томонга ўзгаради. Боя айтиб ўтилганидек, сўнгги 2–3 йил ичида республикада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодий кўтарилиш, янгидан янги тижорат, уй-жой ва ижтимоий объектларнинг қурилиши кенг авж олгани, табиийки, ишчи кучига бўлган талаб ошишига олиб келди. Айтиш мумкинки, ҳозирда қурилиш ишлари нафақат катта шаҳарларда, балки қишлоқ жойларда ҳам катта суръатлар билан олиб борилмоқда. Яқин ва узоқ хориж мамлакатларига меҳнат миграцияси йўли билан иш топиш илинжида чиқиб кетган юртдошларимизнинг кўпчилиги ота-оналари ва фарзандлари бағрига қайтиб келишмоқда ва мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳисса қўшишмоқда. Яна бир сабаб шуки, юртимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар кишиларни кичик бизнес билан, оилавий ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, даромад олишга ундамоқда.

Махсус давлат дастурлари, тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш учун кўзда тутилган турли имтиёзлар аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашда қўл келмоқда. Зеро тадбиркорлик билан шуғулланиш – халқимизга азалдан хос бўлган хислат. Шу маънода Президентимиз шахсан назоратга олган «Ҳар бир оила – тадбиркор» давлат дастури халқимизнинг бу борадаги хоҳиш-истакларини янада жонлантириб юборди. Биз банкирлар эса давлат дастурлари амалга оширилиши учун қўлдан келганича ҳаракат қилиб келяпмиз.

Хусусий бизнесга давлат даражасида катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Иқтисодиёти юксак ривожланган мамлакатлар, масалан, Япония тажрибасидан маълумки, хусусий бизнес ҳар қандай мамлакат ривожланишида ўта муҳим аҳамият касб этади ва унинг келажакда янада ривожланишини таъминлайди.

– Фурқат Иркинович, кредитлаш банк фаолиятининг асосий қисми, албатта. Бироқ олинган кредитлар вақтида қайтариляптими?

– Аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш бўйича Давлат дастурлари асосида кредитлар бериш кенг йўлга қўйилгани катта иш бўлди. Тадбиркорлик билан илк бор шуғулланаётганларнинг аксарияти кредитнинг асосий қисмини ва унинг фоизларини вақтида қайтаришга масъулият билан ёндашмоқдалар, молиявий масалаларга жиддий муносабат билан қарамоқдалар. Молиявий муаммолар юзага келганда эса мутахассисларимиз қарз олувчиларга ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришмоқда. Қарз олувчилар бу борада ёлғизланиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

Аҳоли ўзи истаган тадбиркорлик йўналишини танлаб, шу соҳада фаолият кўрсатаётгани «ҳамма ўз иши билан шуғулланиши лозим» деган фикрга айнан мос келяпти. Чунки ўзинг қизиққан, яхши кўрган ишинг билан шуғуллансанг албатта муваффақиятга эришасан. Бу – тажрибада исботланган ҳақиқат.

– Трастбанкда ишлаётганингизга 15 йил бўлибди, бу инсон ҳаётининг каттагина қисми, албатта. Банкирлик касби кишидан кенг билимларни эгаллашни талаб этади, шундай эмасми?

– Банк тизимидаги узоқ йиллик фаолиятим давомида турли соҳа вакиллари, айниқса, тадбиркорларнинг турфа лойиҳаларини ўрганиб чиқиш, зарур ҳолларда банк томонидан молиялаштирилиши кўзда тутилган соҳаларни кўплаб ўрганишга тўғри келган. Яъни банкир фақат молия ва банк соҳасидаги билимлар билан чегараланиб қола олмайди ва доим ўз устида ишлаши, дунёқарашини бойитиб бориши лозим бўлади. Айтайлик, аҳолига турли давлат дастурлари бўйича кредитлар ажратиш вақтида, масалан, ёш оилаларга ипотека кредитлари бериш дейсизми, «Ҳар бир оила – тадбиркор» лойиҳаси бўйича боғдорчилик, полизчилик, балиқчилик, чорвачилик, парандачилик, қуёнчилик соҳасими – бунинг учун ҳеч бўлмаганда умумий маълумотларга эга бўлиш лозим бўлади.

Бироқ айрим нарсалар борки, биз бу билан шуғулланишни ташқи компаниялар – аутсорсерларга ишониб топширамиз. Масалан, банкимизда ташкил этилган колл-марказ хизматларини кўрсатиш учун бошқа компания билан аутсорсинг шартномасини тузганмиз. Чунки қўнғироқларга жавоб бериш ишларини ташкиллаштириш кўп вақт ва катта куч-ғайрат талаб қилади.

– Банкингизда имконияти чекланганларга кўрсатилаётган хизматлар, хусусан, яқинда йўлга қўйилган «Сурдо-таржимон» хизмати ҳақида гапириб беринг.

– Бу хизматни таклиф этаётган компания ходимлари ўз маҳсулотларининг тақдимотини ўтказиб беришди ва бизни шу хизматга талаб борлигига ишонтира олишди. Ушбу компания билан тегишли шартнома имзоланган ва ҳозирда банкимизнинг барча филиалларида зарур дастурий таъминот ўрнатилган. Компания ходимлари банкимизга ташриф буюрган имконияти чекланганлар билан планшет ёрдамида мулоқот қилиб, банк ходимларига мижоз нима хоҳлаётганлигини тушунтириб беришади ва ўз навбатида ходимларимиз мижозларнинг, масалан, кредит олиш ёки омонатга маблағ қўйиш каби хоҳиш-истакларини бажо келтиришади. Бундай хизматлар мавудлиги ҳақидаги хос белги барча филиалларимизда ресепшн ёнига, кўринарли жойга ёпиштириб қўйилган. Бу тизим ишлаб кетди ва у мамлакатимиз банклари ичида биринчи бўлиб бизда жорий этилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ундан фойдаланаётганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда, бу ноу-хаудан хабар топган имконияти чекланганлар бизга мурожаат қилишяпти. Уларнинг оғирини енгил қилолаётганимиздан хурсандмиз.

– Хорижий молия муассасаларининг кредит линиялари билан ишлашда нималарга эътибор қаратиляпти?



– Хорижий молия муассасалари билан ишлашда республикамиз банклари муайян тажриба тўпладилар. Жорий йилнинг 10 июнь куни Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорациясининг ижрочи директори Айман Амин Сежини бошчилигидаги делегацияни қабул қилдик. Мазкур Корпорация билан олиб борган музокараларимиз яхши натижа берди ва 7 млн. АҚШ доллари миқдоридаги биринчи транш бўйича келишув имзоланди. Бу борадаги ишларни жадал суръатларда бошлаб юбордик ва мазкур маблағ тез орада тўлиқ тақсимланишига эришдик.

Кези келганда шуни айтишим керакки, халқаро молия муассасаларининг кредит линияларини жалб қилишдан асосий мақсад банкнинг фойдасини кўпайтириш эмас, балки молиялаштиришнинг янги манбалари ва йўналишларини ўрганишдир. Биринчи навбатда, бундай муассасаларнинг ишончини қозониш керак, яъни олинган маблағларни мақсадли лойиҳаларга тез йўналтириш, тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, ҳисоботларни вақтида ва шаффоф тарзда тақдим этиш, кредит линиялари орқали берилган кредитларнинг самарасини кўрсата билиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Биз маълум маънода хорижий ҳамкорлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш, уларнинг кредит линияларини жалб этиш, ҳужжатлар билан ишлаш, маблағларни тўғри сафарбар этиш, назорат, мониторинг ишларини йўлга қўйиш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ўрганяпмиз. Айни пайтда мижозларимизни ҳам шундай маблағлар билан ишлашга ўргатяпмиз. Бу ишлар хориждан кредит линияларини жалб этаётган банкка катта масъулият юклайди. Бу – маълум маънода банкнинг имижини белгилайди.

Ўз навбатида, кредит линияларини шиддат билан ривожланаётган давлатларга йўналтириш халқаро молия муассасалари учун ҳам манфаатлидир. Улар ҳам биз билан ишлашга катта қизиқиш билан қарашмоқда. Хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобига савдони молиялаштириш – устувор аҳамият қаратилаётган йўналишлардан бири.

– Фурқат Иркинович, сўнгги вақтларда банк тизимини тартибга солувчи фармон ва қарорларда аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада банкда қандай ишлар амалга оширилляпти?

– Банкда бугунги кунда 1147 нафар ходим ишлайди.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

1994 йил 21 июнда «Трастбанк» акциядорлик биржа банкига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 44-сонли лицензияси топширилди.

1996 йил 24 майда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 36-сонли Бош лицензиясига мувофиқ хорижий валютада амалиётларни амалга ошириш ҳуқуқи қўлга киритилди.

2006 йил 12 майида «Трастбанк» акциядорлик биржа банкининг номи «Трастбанк» хусусий акциядорлик биржа банкига ўзгарганлиги муносабати билан унга банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензия ва чет эл операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Бош лицензия бланклари алмаштириб берилди.

Фурқат Самархўжаев: *«Банкимиз бош биноси жойлашган Навоий кўчасини жуда ёқтираман. Ишдан толиққан вақтларимда Ўрда бўйлаб, Бўзсув ёқалаб пиёда сайр қилишни хуш кўраман. Яқинда бир тарихий фотосуратга кўзим тушиб қолди. Оқ-қора бу фотосурат тахминан ўтган асрнинг 1938 йилларида олинган бўлиб, унда банкимизнинг ҳозирги жойлашган ўрнида икки қаватли пастқам иморат кўриниб турибди. Шу икки қаватли иморат ўрнига кейин қурилган бинода банкимиз дастлаб бир-иккита хонада иш бошлаган бўлса, ҳозирда «Г» ҳарфи шаклида қурилган кўркам бинога банкимиз тўлиғича эгалик қилмоқда. Катта миқёсдаги таъмирлаш ишлари ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Ҳашаматли асосий кириш жойига қараб банкимизнинг ҳар бир ходими, мижозлари фахр туйғусини туйишади, албатта».*

15 йил олдин «Трастбанк» тизимида 200 нафар ходим фаолият кўрсатган. Ўрта ҳисобда ҳар йили биттадан филиал очилса, бу – банк жамоаси 70-80 кишига кўпайди, дегани. Табиийки, мижозлар базаси ҳам кенгайиб боради. Аҳоли ва тадбиркорларнинггина эмас, балки банкимиз ходимларининг ҳам молиявий саводхонлигини ошириш устида тинмай иш олиб борамиз. Биз минтақавий ўқувларни йўлга қўйганмиз. Бу нимани назарда тутади? Ишчи гуруҳи тузилади ва мазкур гуруҳ керакли йўриқномаларни олгач, бир йилда икки-учта вилоятга бориб, ўқув машғулотлари ўтказиб қайтади. Бу машғулотларнинг мавзуси, ўтказиладиган вақти ва жойи ҳақидаги маълумотлар вебсайтимизда, Телеграм, Фейсбук ва Инстаграм ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларимизда олдиндан жойлаштирилади. Камида департамент директори ёки унинг муовини даражасидаги ходимлар гуруҳи 1-2 кун давомида шу машғулотларда иштирок этишади. Бу машғулотлар давомида кредит олишдан тортиб банк кафиллиги ёки кафолатини расмийлаштириш, аккредитив очиш, сўмни хорижий валютага конвертациялашгача бўлган кенг қамровли масалалар атрофлича ёритилади ва у жонли, интерфаол мулоқот тарзида ўтади.

– Банкда киберхавфсизлик масалалари қай аҳволда? Масофадан туриб банк хизматларидан фойдаланаётганларнинг маблағлари дахлсизлиги кафолатланганми?

– Албатта, киберҳужумлар ҳозирги вақтда банк тизими ходимларини ҳам ташвишга солаётган муаммолардан бири. Банкимизда тегишли хизматлар ташкил этилган ҳамда улар зарур дастурий таъминот ва керакли ускуналар, ҳимоя воситалари билан жиҳозланган бўлиб, юқори малакали мутахассислар билан таъминланган. Мижозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш имконияти ва қулайлиги яратилмоқда ва бундай хизматларнинг турлари ва кўлами кенгайиб, такомиллашиб бормоқда. Бироқ айни вақтда хавфсизлик масалаларини ҳам назардан қочирганимиз йўқ. Бу борада имкон қадар ҳушёр бўлишга ҳаракат қиляпмиз.

– Келажак учун режаларингиз?

– Аввалambор, мамлакатимизнинг барча минтақаларига филиаллар тармоғи орқали етиб бориш, банк хизматларидан фойдаланувчиларга имкон қадар яқин бўлиш, шу йўл билан мижозлар базасини янада кенгайтириш, уларга сифатли хизмат кўрсатиш анъанасини давом эттириш, ахборот технологияларини жорий этишда замон талаблари билан ҳамнафаслик, хавфсизлик чораларини кучайтириш, тўловлар ўз вақтида амалга оширилишига оғишмай риоя қилиш, бу ишларни амалга оширишда илғорлар сафидан жой олиш, сонга эмас, балки сифатга устувор аҳамият қаратиш, бир жойда туриб қолмаслик ва доим олдинга интилиш.

– Самимий суҳбат учун ташаккур!

ABSTRACTS

CUSTOMER TRUST IS THE HIGHEST RECOGNITION! «TRUSTBANK» – 25 YEARS IN THE FINANCIAL MARKET

One of the first private banks in the country – PJSB «Trustbank» recently celebrated its 25th anniversary! The article-interview with the Deputy Chairman of the Board of the bank Furkat Samarkhodjayev touches upon issues of developing a bank, its present day and plans for the future.

ХАЛҚ БАНКИ: ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР ИМКОНИЯТЛАРНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Сарвар Очилов,
АТ Халқ банки ахборот хизмати раҳбари

Ўзбекистонда кейинги йилларда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада тадбиркорлик фаолияти кундан-кунга тараққий топиб, янги-янги иш ўринлари яратиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги Қарори юртимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, айниқса, аҳолининг нафақат бандлигини таъминлаш, балки турмуш фаровонлигини яхшилаш йўлидаги муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқ банки томонидан «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури ижросини таъминлаш мақсадида жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларига 2018 йил давомида 297,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан 14 868та янги иш ўринлари яратилди.

Фаол тадбиркорликни ривожлантириш, ушбу субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш, бизнесни юритишлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш борасида эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Солиқдан озод этиш бўладими, энергия ресурслари тўловидаги имтиёзларми, янги турдаги кредитлар ажратишми, хуллас, ҳамма шароит муҳайё қилинди.

Тадбиркорликни ривожлантириш ишига акциядорлик тижорат Халқ банки ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган Халқ банкининг 197 ҳудудий ва туман (шаҳар) филиаллари, 30та мини-банк ва мингдан ортиқ жамғарма ва махсус кассалари иқтисодиётнинг реал секторига – кичик бизнес субъектлари ва аҳолига кенг қамровли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Бевосита Халқ банки томонидан «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури ижросини таъминлаш мақсадида жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларига 2018 йил давомида 297,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан 14 868та янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида бу йўналишда жами 1 трлн. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан 63 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Бу рақамлар иқтисодиёти тобора ривожланиб келаётган Ўзбекистонда бандлик масаласидаги муаммоларни бартараф этиш, аҳолининг тадбиркорликка бўлган қизиқишини ошириш борасидаги ўзига хос йўл бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқ банки йилига ярим миллион нафардан кўпайиб бораётган республикамиз фуқаролари рўзғорининг бутлигига эришиш, одамларни, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишни, ҳар бир оиланинг тадбиркорлик ресурсларидан фойдаланишига қулай шарт-шароитлар яратишни мақсад қилган.

Бунинг биргина мисоли, балиқчилик соҳасини ривожлантириш ва давлат ҳамда жамият фаровонлигига ҳисса қўшишни мақсад қилган бекободлик Лутфилла Асадуллаевнинг нияти «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури орқали амалга ошди. Яъни Л. Асадуллаев ушбу дастур доирасида Халқ банкидан 200 миллион сўмлик кредит олиб, уни Тошкент вилояти Бекобод туманида жойлашган балиқ етиштирувчи «Янги ҳаёт» МЧЖни янада ривожлантириш учун йўналтирди. Айни пайтда фирмада 10га яқин ишчи фаолият олиб бормоқда.

– *Давлатимиз томонидан биз тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан ўз вақтида фойдаланиш ва уни мақсадли ишларга йўналтириш учун ҳаракат қилиб келяпмиз. Бунда мамлакатимизда фаолият юритаётган Халқ банки, олти йилдирки, менинг тадбиркор сифатидаги қобилиятларимни фаоллаштиришга ёрдам бериб келмоқда. Дастлаб 2013 йилда Халқ банкидан 60 млн. сўмлик кредит олиб балиқчиликдаги иш фаолиятимни бошлаган эдим. Ҳозирда бу соҳани янада ривожлантириш, иш фаолиятимни кенгайтириш йўлида ҳаракат қилмоқдаман,* – дейди тадбиркор.

Бундан ташқари, ҳозирда Л. Асадуллаев шаҳарда ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Халқ банки кўмагида банкдан кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни мақсад қилган.

Дарҳақиқат, қўшимча ресурслар аҳолининг фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади, шу сабабдан ҳам бугунги кунда Халқ банки истиқболли лойиҳа эгаларининг ҳар бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Эътиборлиси шундаки, банк томонидан «Ҳар бир оила – тадбиркор» дасту-

рини амалга ошириш борасида жисмоний шахсларга уй шароитида тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун 3 йил муддатгача (6 ойлик имтиёзли давр асосида) энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган.

Давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектларига лойиҳанинг ўзини қоплаш давридан келиб чиққан ҳолда 3 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваригача бўлган миқдорда йиллик 8 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган. Бунинг баробарида аҳолининг тадбиркорликка бўлган қизиқишини ошириш, кўп тармоқли секторларни вужудга келтириш ҳамда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш кўзда тутилган.

Маълумки, 2019 йил 7 мартда Президентимизнинг «Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тасдиқланди.

Ушбу қарор ижроси доирасида амалга оширилаётган ишларни яна бир тадбиркор йигит, бекободлик Бахтиёр Ярлакабов мисолида кўриш мумкин. У Халқ банкидан чорвачилик йўналишини ривожлантириш бўйича имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган.

– Аввалларидан банкдан кредит олиш жуда мушкул иш эди. Ёшлигимдан тадбиркорликка, чорвачиликка қизиқаним учун бу ниятим орзулигича қолса керак, деб ўйлардим. Чунки тадбиркорлик қилиш учун етарлича маблағим бўлмаган. Бироқ Халқ банки менга ёш тадбиркор сифатида иш фаолиятимни бошлаб олишимга ёрдам берди. Ортиқча оворагарчиликларсиз жуда қисқа вақт ичида банкдан 30 млн. сўмлик кредитга 3 бош зотдор сигир олдим. Айни пайтда сигирларим ёрдамида оиладаги камчиликларни баратараф этиш имконига эга бўлдим, – дейди Б. Ярлакабов.

Бундан ташқари, янгийўллик Дилбархон Шерова ҳам Халқ банкидан «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида 23 млн. сўмлик кредит олиб,

Давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектларига лойиҳанинг ўзини қоплаш давридан келиб чиққан ҳолда 3 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваригача бўлган миқдорда йиллик 8 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган. Бунинг баробарида аҳолининг тадбиркорликка бўлган қизиқишини ошириш, кўп тармоқли секторларни вужудга келтириш ҳамда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш кўзда тутилган.

ўз хонадонида тикувчилик цехини очди. Асосан болалар кийимларини тикишга ихтисослашган бу цехда маҳалладаги 3 нафар аёлнинг бандлиги таъминланган. Айни пайтда тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил қилган Дилбархон янги иш ўринларини очиб, иш кўламини кенгайтиришни мақсад қилмоқда.

Умуман олганда, жорий йилда биргина Халқ банки томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан дастур доирасида 1 135,4 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиш режалаштирилган. Эътиборлиси, ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Халқ банки Бошқарувида махсус бошқарма ташкил этилиб, янги 8та штат бирлиги очилди ва малакали ходимлар билан таъминланди.

Шунингдек, банкнинг туман (шаҳар) филиалларида янги тизим бўйича Бэк- (мониторинг) ва Фронт-офис бўлимлари очилган бўлиб, қарор ижросини таъминлаш мақсадида янги штат бирликлари ташкил этилиб, малакали мутахассислар жалб қилинди. Дастур доирасида лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ресурс маблағлари Халқ банки томонидан туман (шаҳар) секторлари кесимида тақсимланиб, ўз вақтида етказилмоқда.

Банкнинг туман (шаҳар) филиалларида янги тизим бўйича Бэк- (мониторинг) ва Фронт-офис бўлимлари очилган бўлиб, қарор ижросини таъминлаш мақсадида янги штат бирликлари ташкил этилиб, малакали мутахассислар жалб қилинди. Дастур доирасида лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ресурс маблағлари Халқ банки томонидан туман (шаҳар) секторлари кесимида тақсимланиб, ўз вақтида етказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун Халқ банки ҳар бир оиланинг бизнес билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун зарурий шарт-шароитлар яратишни мақсад қилган.

ABSTRACTS

THE PEOPLE'S BANK: PREFERENTIAL LOANS WILL EXTEND THE CAPABILITIES

The article talks about the large-scale work carried out in Uzbekistan to create decent living conditions for the population and ensure employment by providing comprehensive support to the bisiness initiatives of the population wishing to engage in entrepreneurship in the following years, granting them preferential loans according to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the implementation of the program "Every family is entrepreneur" on June 7, 2018.

ЁШ ОИЛАЛАРГА ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ БЕРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Муслима Назарова,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Банк иши кафедраси катта ўқитувчиси

Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш қиёфасини янада яхшилаш, намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш, қишлоқ жойларда транспорт ва муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини жадал ривожлантириш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида бир қанча вазифалар белгиланди ва бу вазифаларни амалга ошириш учун Дастурлар ишлаб чиқилди.

Устувор вазифалар қаторида ўтган 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида аҳоли билан доимий ва очиқ мулоқотни ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини, унинг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатни фаол

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдир. Маълумки, республикамиз аҳолиси бир маромда ўсиб бормоқда. Аҳоли сони ортиб борар экан, уй-жойга бўлган эҳтиёж ҳам ошиб боради. Айниқса, бугунги кунда аҳолининг замонавий, қулай ва барча шароитлар билан тўлиқ таъминланган яшаш жойларига бўлган талаби бунга яққол далилдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги кундаги энг долзарб иқтисодий муаммолардан бири аҳолининг ўсиб бораётган уй-жой эҳтиёжини қондириш ҳисобланади. Аҳолини, айниқса ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ҳамда имтиёзли ипотека кредитлари беришда тегишли зарур вазифаларни белгилаш бу борадаги муаммоларни ҳал этишнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

давом эттириш масалалари марказий ўринни эгаллади.

Қабул қилинган Дастурларда аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, фаровонлигини ошириш, уларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ривожланиш аҳоли даромадларининг ўсишига хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг йил сайин кўпайишига, пировардида банкларнинг мазкур йўналишдаги хизматлари кўлами кенгайишига олиб келмоқда.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш-

Тижорат банклари ва бошқа махсус молия-кредит ташкилотлари томонидан аҳолига истеъмол ва ипотека кредитларининг берилиши уларга республикада ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратади.

нинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланган. Унга кўра, 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишларидан бири бўлган, ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилишда аҳоли, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш орқали янада яхшилаш алоҳида дастурга киритилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бош мақсади иқтисодиётни юксалтиришнинг ижобий суръатларига эришиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришдир.

Ўзбекистон банк тизимининг бугунги замонавий шаклланган босқичи мамлакатимиз иқтисодий ўсишига туртки берувчи вазифаларни ҳал қилишда фаол иштирок этиш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Банклар улар олдига қўйилган жиддий вазифалар ижроси орқали мамлакатимиздаги барча ижобий ўзгаришларнинг ишончли молиявий таянчи бўла олади.

Маълумки, тижорат банклари ва бошқа махсус молия-кредит ташкилотлари томонидан аҳолига истеъмол ва ипотека кредитларининг берилиши уларга республикада ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратади. Кенг миқёсда берилаётган ипотека кредитлари эса, айниқса, ёш оилалар ва бошқа тоифадаги аҳолининг уй-жой билан таъминланиши даражасини оширади. Буларнинг барчаси ёш оилаларни моддий ва руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш ва уларнинг турмуш ва маиший шароитларини яхшилашга қаратилган. Ёш оилалар учун мўлжалланган кредитлар нафақат уларнинг камроқ миқдорда фоизлар тўлашлари, балки белгиланган имтиёзли даврда ўзларининг моддий аҳволларини ўнглаб олишлари учун ҳам замин яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган бир қанча қарорлар натижасида аҳолининг уй-жойга бўлган талаби ва эҳтиёжи қондирилди. Бугунги кунда квартиралар қийматини мақбуллаштириш мақсадида уйларни қуриш, қоидага кўра, мавжуд қурилиши тугалланмаган бинолар ва бошқа объектларни, уй-жойларни тегишли инфратузилма билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш учун энг қулай лойиҳалар бўйича реконструкция қилиш шаклида амалга оширилган ишлар ўз натижасини бера бошлади.

Уй-жой қурилиши ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлашнинг зарурлиги шундаки, бугунги кунда мамлакатимизда устувор вазифалардан бири бўлган халқ фаровонлигини ошириш, аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш каби муҳим вазифалар, иқтисодиётимизнинг янада ривожланишида аҳамияти бўлган ижтимоий ривожланишни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Уй-жойларни қуриш, реконструкция қилиш ва кредитга бериш борасида Дастур асосида амалга оширилган вазифалар натижасида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Қабул қилинган қарорлар асосида кўча четидаги эски, кўримсиз ва пастқам уйлар ўрнида кўп қаватли уй-жойлар, савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа инфратузилма объектлари, ижтимоий-иқтисодий тармоқлар иншоотлари қад кўтармоқда. Айниқса, кўчаларнинг икки

томони ва ўртасидаги декоратив кўринишдаги манзаралар, йўлаклардаги дарахтлар, гуллар ҳамда кишига завқ берадиган чироқлар мамлакатимизни ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир амалга оширилаётган ишлар ҳамда қабул қилинган Қарорларнинг ижросидан дарак беради. Юқорида таъкидланган бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши замонавий талабларга жавоб бериб, аҳолига манзур бўлмоқда. Ушбу Дастурлар ва тегишли Қарорлар қабул қилиниши аҳолининг хоҳиши ва талаблари асосида амалга оширилмоқда. Давр талаби юқоридаги кенг кўламли вазифаларнинг ижроси ва бунёдкорлик ишларининг йўлга қўйилиши ҳамда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлашда дастуриламал бўлиб келмоқда.

Уй-жой қурилиши ва реконструкция қилишни молиялаштириш тижорат банкларининг кредит маблағларидан амалга оширилиб, режада кўзда тутилган вазифалар бажарилмоқда.

Уй-жой қуриш ва реконструкция қилишни кредитлаш лойиҳасини амалга ошириш тижорат банклари фаолиятида долзарб йўналишлардан бири бўлиб бормоқда. Республикамиз аҳолисининг ҳамма қатламида ҳам бирданига уй-жой сотиб олиш имконияти йўқлигини ҳисобга олиб, уй-жойларни кредитга олиш имконияти яратилиши бозор иқтисодиёти шароитида турли муаммоларга барҳам берилишига олиб келади.

Аҳоли олган кредитини секин-аста даромадларидан қоплаб бориши, банк кредитидан унумли фойдаланиши, банкка бўлган ишончи ошиши, бозор муносабатлари қарор топаётган ҳозирги шароитда ривожланган давлатлар тажрибасидан кенг фойдаланилишидан кўзланган асл мақсад аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш ҳисобланади. Уй-жой қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш ҳамда кредитлашнинг моҳияти ва зарурлиги ҳам шундан келиб чиқади.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда аҳолига кредит хизматлари кўрсатиш банкларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Кредитлар орқали иқтисодиётдаги номутаносибликларга барҳам берилади.

Давлатимиз томонидан тегишли қарорларнинг қабул қилиниши аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ҳам ошириб бормоқда. Банклар томонидан ажратилаётган ипотека кредитларига бўлган қизиқиш фуқароларнинг кредитга бўлган қарашларини ҳам ўзгартирди, дейиш мумкин. Чунки ушбу кредитлардан фойдаланганларнинг мамнун бўлиб билдираётган фикрлари бунга ёрқин мисолдир. Айниқса, банклар билан аҳолининг манфаатлари мос келиши бу борада амалга оширилаётган ишларнинг тўғри эканлигидан далолат беради. Банкларнинг ҳам, аҳолининг ҳам ўз мажбуриятларини бажариши бундай кредитлардан фойдаланишга кенг йўл очиб беради.

Бугунги кунда ипотека кредитлари маҳаллий банклардаги талаб катта хизмат турларидан бири ҳисобланади. Бу Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги Қонунида, Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги қарорида ҳам ўз аксини топган. Давлатимиз раҳбарининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан ёш оилаларга ипотека кредитлари бериш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мазкур дастурга мувофиқ, эр-хотинларнинг ёши 30дан ошмаган бўлса, улар ёш оила сифатида имтиёзли асосда ипотека кредитлари олиш ҳуқуқига эгадир.

Айниқса, бугунги кунда уй-жойга бўлган талабнинг ошиши, аҳолининг фаровон турмуш сари илдам қадами, қолаверса,

давлатимиз томонидан халқнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уй-жойга бўлган талабни қондириш мақсадида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари ҳамда турли Давлат дастурларининг қабул қилиниши ёш оилалар учун уй-жой қурилиши, улар реконструкция қилиниши заруриятидан келиб чиқади. Шундай экан, уй-жой қуриш ва реконструкция қилишни кредитлаш бугунги кунда муҳим ва зарур бўлган масала ҳисобланиб, бу, биринчидан, уй-жойга бўлган эҳтиёжлар қондирилишига олиб келса, иккинчидан, муомала чиқимлари камайиб, маблағларнинг каттагина қисми унумли ишлатилишига ва бу билан пул айланишида ҳам ижобий натижаларга сабаб бўлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлардан бири, шубҳасиз, бу – ёш оилаларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, улар меҳнат фаолиятини бошлашлари ва мустақил ҳаётга кириб келишларида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга қаратилган амалий ишлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3878-сонли Фармони ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг асосий дастакларидан бўлди. Бу борада банк тизимида олиб борилаётган амалий ишлар, хусусан, тижорат банклари томонидан имтиёзлар асосида кредитлар берилиши ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг ёрқин амалий намунаси ҳисобланади. Мазкур фармонда кўзда тутилган асосий пировард мақсадга эришиш ва унинг ижросини ҳаётга кенг татбиқ этиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2007 йил 9 июндаги 17/2-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2007 йил 18 июлда 1697-сон билан давлат рўйхатига олинган «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилган. Ушбу Низом бешта бўлим ва ўн бешта банддан иборат бўлиб, у тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида микрокредитлар, ипотека ва молиявий истеъмол кредитлари бериш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида ипотека кредитлари бериш амалиётини такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратилганлиги сўнгги йилларда тижорат банклари томонидан берилаётган ипотека кредитлари ҳажмининг сезиларли даражада ўсишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда турмуш фаровонлигини оширишда ипотека кредитларининг аҳамиятини оширишда ўзига хос ўрин тутмоқда.

Тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ёш оилаларга кредитлар қуйидаги имтиёзли шартлар асосида берилади:

- оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредитлар бўйича фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан

> Ёш оилалар учун мўлжалланган кредитлар нафақат уларнинг камроқ миқдорда фоизлар тўлашлари, балки белгиланган имтиёзли даврда ўзларининг моддий аҳволларини ўнглаб олишлари учун ҳам замин яратади.

ортиқ бўлмаган миқдорда ўрнатилади;

- ёш оилаларга бериладиган ипотека кредитлари уч йиллик имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;
- ёш оилаларга бериладиган молиявий истеъмол кредитлари олти ойлик имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, имтиёзли давр ўрнатилган ҳолда берилган кредитлар асосий қарзни тўлаш бўйича имтиёзли давр тугагандан кейинги ойдан бошланади. Имтиёзли давр кредит бўйича фоизлар ҳисоблаш ва ундиришга татбиқ этилмайди. Бунда фоизлар ёш оилага кредит бўйича қарздорликнинг амалдаги қолдиғига кунлик ҳисоблаб борилади ва бир ойда бир марта ундирилади.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан, ёш оилаларга микрокредитлар белгиланган маълум бир мақсадларга асосан берилади. Буни 1-чизма орқали кўриш мумкин.

Тижорат банклари ёки бошқа кредит ташкилотлари томонидан ёш оилаларга ипотека кредитлари бериш, мониторинг қилиш ва қайтариш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган «Уй-жой

1-чизма

Ёш оилаларга микрокредитлар бериш



Манба: *муаллиф томонидан тайёрланган.*

қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги низом» асосида, мазкур Низомда белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда тартибга солинади. Ипотека кредитлари ёш оилаларга 15 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Бунда ёш оилалар воситачилик ҳақини тўламасдан кредитни муддатидан олдин қайтариши ҳамда унга ҳисобланган фоизлар тўловини муддатидан олдин амалга ошириши мумкин.

Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга бериладиган ипотека кредити кредит ресурслари манбасидан қатъи назар, қуйидаги миқдорларда берилади[1]:

- якка тартибдаги уй-жойни қуриш ва сотиб олиш учун – қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараваригача;
- якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш, шунингдек, кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун – қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача.

Ёш оила аъзолари (эр ёки хотин)нинг иш берувчиси бўлган юридик шахслар ёш оила томонидан олинадиган уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олишга ипотека кредити учун дастлабки бадални банкка ўтказишлари мумкин. Бунда бадал суммаси ёш оила аъзоси (эри ёки хотини)нинг қайси бири номига ипотека кредити расмийлаштириладиган бўлса, унинг номига банкда очилган жамғарма омонат ҳисобварағига иш берувчи томонидан ўтказилади.

Шуни қайд этиш лозимки, тижорат банклари томонидан ёш оилаларга микрокредитларнинг берилиши, мониторинги ва қайтарилиши Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонуни ва банкларнинг ички кредит сиёсатлари билан тартибга солинади. Тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёш оилаларга мик-

[1] *«Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида»ги Низом Ўзб. Рес. ВМнинг 2007 йил 3 январдаги 2-сон Қарори билан тасдиқланган.*

МАЪЛУМОТ

Президентнинг 13.05.2019 йилдаги «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони имзоланди.

2020 йил 1 январдан бошлаб, мақсадли дастурлар ижроси доирасида қуйидагилар назарда тутилган янги шартларда ипотека кредитлари ажратилади:

биринчидан, Молия вазирлиги томонидан иштирок этувчи банкларга ажратилаётган кредит ресурслари ҳамда аҳолига берилаётган ипотека кредитлари бўйича имтиёзли давр 1 йилгача қисқартирилади;

иккинчидан, кредитдан фойдаланишнинг биринчи 5 йили давомида ҳар йили фоиз ставкаси қатъий белгиланган 7%дан МБнинг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача босқичма-босқич ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда қайта молиялаштириш ставкасида белгиланади;

учинчидан, ипотека кредитлари фоизлари аннуитет тўловлари формуласи бўйича ҳисобланади: ойлик тўлов асосий қарз қолдиғига ҳисобланган фоизлар бўйича тўлиқ тўловни ҳамда кредитнинг бир қисмини ўз ичига олади, бу шундай ҳисоблашни назарда тутадики, ҳар ойлик барча тўловлар кредит тўлашнинг бутун даврида бир хил бўлади.

Белгиланган малакавий талабларга жавоб берадиган юридик шахсларга мақсадли микрокредитлар берилиши, мониторинги ва қайтарилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарори билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисидаги низом» билан тартибга солинади[2]. Бунда банкнинг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан берилган микрокредитдан фойдаланганлик учун имтиёзли фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси 50 фоизи миқдорида ўрнатилади.

Ипотека кредитлари ёш оилаларга белгиланган мақсадлар учун берилади. Буни 2-чизмада батафсил кўриш мумкин.

Республикамизда аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш учун замонавий уй-жойлар билан таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари томонидан ёш оилалар учун уй-жой қурилиши ва реконструкция қилишни молиялаштириш ҳамда кредитлаш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этиш бўйича қилинаётган ишлар кўлами кенгаймоқда. Айниқса, мамлакатимизда қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасининг сифатини янада ошириш бўйича қилинган ишлар бунинг яққол ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги «2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси қишлоқ аҳолисининг кенг қатламлари учун замонавий ва шинам уйлардан фойдаланиш даражасини тубдан оширишга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга ва қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур қарордан мақсад – шаҳарда яшаётган аҳолини,

2-чизма

Ёш оилаларга ипотека кредитлари бериш мақсадлари



Манба: *муаллиф томонидан тайёрланган.*

[2] *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 9 июндаги 17/1-сонли қарори (рўйхат рақами 1697-1, 22.06.2012 й.) таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2012 й., 25-сон, 284-модда).*

Имтиёзли давр кредит бўйича фоизлар ҳисоблаш ва ундиришга татбиқ этилмайди. Бунда фоизлар ёш оилага кредит бўйича қарздорликнинг амалдаги қолдиғига кунлик ҳисоблаб борилади ва бир ойда бир марта ундирилади.

шу жумладан, ёш оилалар, эскирган уй-жойларда яшаётган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги фуқароларни арзон, қулай, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш йўли билан уларнинг турмуш даражасини янада ошириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ жойларда арзон уй-жойларни қуришда талабгорларни танлаб олиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни дастлабки танлаш бўйича тизимнинг очиқлиги ва ишончлилиги тамойилидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Давлатимиз томонидан ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон тижорат банкларида ёш оилалар учун уй-жой қурилиши ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлашни амалга оширишнинг ўзига хос тартиби мавжуд. Бунга кўра, ипотека кредитлари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораларида никоҳлари рўйхатга олинган, ҳар иккиси биринчи марта расмий никоҳда бўлган ҳамда ҳар бири ўттиз ёшдан ошмаган, доимий иш жойига ва ўз фаолияти натижасидан олинадиган даромадга ёки бошқа расмий даромад манбаларига эга бўлган ёш оилаларга ажратилади.

Ипотека кредитини олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: кредит олиш учун кредит суммаси кўрсатилган ариза, қарз олувчининг паспорти асл нусхаси ҳамда яшаш жойидан берилган оила таркиби тўғрисидаги маълумотнома, қарз олувчи томонидан охирги 12 ойда асосий ва қўшимча иш жойидан олинган даромадлар ва ушланмалар миқдори ҳақида маълумотнома ёки қарз олувчи (алоқадор қарз олувчи) яшаш жойи бўйича солиқ идоралари томонидан тасдиқланган даромадлари ҳақидаги декларациялар нусхаси, қарз олувчининг бошланғич бадалларни тўлаганлигини тасдиқловчи квитанция, ҳовли-жой ёки квартирани сотиб олиш учун тузилган (бошланғич) шартнома, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораларидан биринчи маротаба расмий никоҳдан ўтганлигини тасдиқловчи маълумотнома ҳамда никоҳ расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси, иккиламчи бозордаги ҳовли-жой ёки квартира сотиб олинаётганда уларнинг қиймати бўйича амалдаги қонунчиликка асосан мустақил баҳоловчининг баҳолаш ҳисоботи ва, ниҳоят, ҳовли-жой сотиб олинаётганда ҳудуд архитектура бошқарма (бўлинма)си томонидан кредит ҳисобига сотиб олинаётган ҳовдастурларни амалга оширишда буюртмачи ёки бош пудратчи сифатида қатнашиш ҳуқуқи берилади. Мақсадли дастурларни амалга оширишда иштирок этаётган тижорат банклари сони оширилади. Шунингдек мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида уй-жойлар ва квартираларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун кредитлар берилади.

2019 йил 1 январга қадар қурилишга рухсат этилган уй-жой фонди объектларини бирламчи уй-жой бозорида реализация қилиш обороти 2020 йилнинг 1 январига қадар ҚҚСдан озод қилинади. Мазкур имтиёз 2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурига, 2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурига киритилган объектларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Бироқ 2020 йил 1 январдан бошлаб мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида тақдим этилган ҚҚС бўйича имтиёзлар бекор қилинади. Шунингдек, бир қатор имтиёзларнинг амал қилишини бекор қилиш ёки уларга ўзгартириш киритиш ҳам режалаштирилмоқда.

Манба https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/ipoteka_krediti_ajratishning_yangi_tartibi_joriy_etiladi_imtiezlar_qayta_kurib_chiqiladi.

Кўп қаватли уйлардаги квартиралар ушбу кўп қаватли уйларни қурган ёки реконструкция қилган пудратчи қурилиш ташкилоти томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган нархларда реализация қилинади.

ли-жой бузилмаслиги ҳақидаги маълумотнома.

Шуни таъкидлаш мумкинки, қарз олувчининг ўз маблағлари миқдоридан қатъи назар (лекин уй-жой қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда) ипотека кредити 15 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр билан банкнинг ўз маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан ажратилади.

Ёш оилаларга бериладиган имтиёзли ипотека кредитлари йиллик фоиз ставкаси кредит ажратиш санасидаги Марказий банк амалдаги қайта молиялаш ставкасининг (бугунги кунда йиллик 16 фоиз) 50 фоизи миқдорида амалга оширилади. Ушбу ипотека кредитининг таъминотига сотиб олинаётган ҳовли-жой ёки квартира гаров сифатида қабул қилинади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кўп қаватли уйлардаги квартиралар ушбу кўп қаватли уйларни қурган ёки реконструкция қилган пудратчи қурилиш ташкилоти томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган нархларда реализация қилинади. Бунда кўп қаватли уйлардаги ҳар бир квартира қиймати бўйича маълумот пудратчи қурилиш ташкилоти томонидан унга хизмат кўрсатувчи банк филиалига расмий равишда тақдим этилади. Банкларнинг филиаллари томонидан ушбу маълумот тегишли равишда барча тегишли банк филиалларига тақдим қилинади.

Банк филиали мазкур ариза асосида кўп қаватли уй-жойдаги унга бириктирилган квартира тўғрисидаги маълумотноманинг бир нусхасини фуқарога ва бир нусхасини ушбу бириктирилган квартира жойлашган кўп қаватли уй-жойни қурувчи пудрат ташкилотига хизмат кўрсатувчи банк филиалига тақдим этади.

Фуқаро қурилаётган кўп қаватли уй-жойдаги бириктирилмаган квартиралар қиймати ва уларнинг манзилий жойлашиши билан танишиб, ушбу квартиралардан бирини сотиб олишни истамаган тақдирда, буни расмий ариза билан маълум қилиши лозим.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фаровонлигини ошириш борасида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Барча соҳада муаммолар бўлганидек, ёш оилалар учун уй-жой қурилиши ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлашда ҳам муаммолар йўқ эмас. Шулардан бири эскирган уй-жойлар муаммосидир. Ҳисоб-китобларга кўра, пойтахтимизда 76 мингга яқин хонадон 60 йил аввал қурилган ва яшаш учун хатарли бўлган эски уйларда ҳаёт кечирмоқда[3].

Айнан шу боис, бу борада мутлақо янги дастурни амалга ошириш бўйича, яъни 7 ва 9 қаватли, кўп хонадонли арзон уй-жойлар қуриш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даромади юқори бўлмаган, шунингдек, эски уйларда яшаётган оилалар имтиёзли ипотека кредитлари ва солиқ имтиёзлари асосида бундай уйлардан квартира харид қилиш имкониятига эга бўлади. Хусусан, Қарорга мувофиқ, дастлабки босқичда ушбу мақсадларга келгуси 5 йилда жами 2,5 триллион сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Жумладан, 1,8 триллион сўм банкларнинг имтиёзли кредитлари ва 615 миллиард сўм аҳолининг бошланғич бадаллари ҳисобига шакллантирилиши ҳам таъкидланган.

Бунинг эвазига 32 минг хонадондан иборат бўлган 500та кўп қаватли ҳамда яқин 5 йил ичида шаҳарнинг ҳар бир туманида 20тадан, жами 200та кўп қаватли уй барпо этилиши юқоридаги қарорда белгиланган.

Ёш оилалар учун уй-жой қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлашдаги эски уйларнинг реконструкцияси муаммосидан кейинги масала бу уй-жой фондидан самарали фойдаланиш муаммосидир. Шаҳарда уй-жой фонди янада кенгайишини эътиборга олсак, уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, таъмирлаш ва фойдаланиш ишларининг тизимли равишда олиб борилишини таъминлаш юзасидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини мувофиқлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Тижорат банклари томонидан ажратилаётган ипотека

[3] *https://stroyka.uz/publish/doc/text128009_razrabotana_pyatiletnyaya_programma_razvitiya_goroda_tashkenta.*

кредитлари салмоғи йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткичларни аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тўлақонли таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси, дейиш мумкин. Қуйидаги диаграмма орқали банклар томонидан берилган ипотека кредитларини кўриб чиқамиз.

Маълумотлардан кўриш мумкинки, 2019 йил 1 январь ҳолатига берилган ипотека кредитлари сони ва суммаси ўтган йилгига нисбатан анча ошган.

Шу билан бирга, кўп қаватли уйларни таъмирлаш ва уларнинг ҳудудини ободонлаштириш ишларини самарали йўлга қўйиш учун 2017–2021 йилларга мўлжалланган режа ишлаб чиқиш зарурлиги ва мазкур дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Марказий банк, республика тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига йилига 200 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиш кўзда тутилиши ҳам таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг шу йил 7 февралдаги фармони билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Унга кўра, 2017–2021 йилларда бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳужжатда Ҳаракатлар стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг бирламчи вазифаси ва бош устувор йўналиши ҳисобланиши белгиланган.

Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши – Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишида арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш ҳам киритилган бўлиб, унда асосан:

- аҳоли, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш орқали янада яхшилаш;
- аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талаб ва эҳтиёжини таъминлашни тубдан яхшилаш;
- одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий объектлар билан таъминлаш;
- аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф-муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;
- йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини жадал давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини,

Диаграмма

Тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари (млрд. сўмда)



Манба: *муаллиф томонидан тайёрланган.*

аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

- янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш, шунингдек, аҳолини бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш асосида аҳолини электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш;
- театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш[4] каби қилиниши лозим бўлган ишлар режалаштирилган.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2660-сонли Қарорига мувофиқ, аҳолининг замонавий ва арзон уйларга бўлган эҳтиёжи асосида имтиёзли кредит беришнинг янги босқичи жорий этилди. Мазкур қарордан кўзланган мақсад ҳам шаҳарларда истиқомат қилаётган аҳолини, шу жумладан, ёш оилалар, эскирган уй-жойларда яшаётган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги фуқароларни арзон, қулай, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш ва шу орқали уларнинг турмуш даражасини юксалтиришдан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай арзон уй-жойларнинг арзон бўлишига асос бўлувчи бир қанча омиллар сифатида уларни қуриш жараёнида асосан маҳаллий қурилиш материаллари, тежамкор табиий ресурслардан фойдаланилишини, импорт қилинадиган ушбу турдаги товарлар бўйича эса божхона ва солиқ имтиёзлари белгиланганини, пудратчи ташкилотларнинг танлов асосида жалб қилинишини, шунингдек, қурилиш ишларига бириктириладиган ташкилотлар, жумладан, бошқа тижорат банклари қатори «Ипотекабанк» АТИБга ҳам ҳукуматимиз томонидан қатор имтиёзлар берилганини қайд этиш мумкин.

«Ипотекабанк» АТИБ 2017–2020 йилларга мўлжалланган дастур асосида шаҳарларда тегишли муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмаларга эга бўлган 5, 7 ва 9 қаватли 945та кўп хонадонли уй-жой бунёд этиши режалаштирилган. Шундан жорий йилга мўлжалланган 191та уй-жой (жумладан, 102таси Тошкент шаҳрида) бўйича қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда.

> Ёш оилаларга бериладиган имтиёзли ипотека кредитлари йиллик фоиз ставкаси кредит ажратиш санасидаги Марказий банк амалдаги қайта молиялаш ставкасининг (бугунги кунда йиллик 16 фоиз) 50 фоизи миқдорида амалга оширилади.

Ҳар бир уйнинг атрофида дам олиш маскани, болалар майдончаси, автомобиль турар жойи, чиқинди йиғиш пункти сингари қулайликлар яратилмоқда. Бу каби уй-жойларга эга бўлиш учун фуқароларга аниқ талаблар қўйилган. Жумладан, уй-жой олувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар шаҳарлари ва Тошкент шаҳрининг туман ҳокимликларида ташкил этилган ҳудудий комиссияларга ариза билан мурожаат этиши лозим. Комиссиянинг ижобий хулосасига кўра, кўп қаватли уй-жойдаги хонадонлардан бири фуқарога бириктирилади. Шу вақтнинг ўзида хонадон қийматининг камида 25 фоизи миқдоридаги сумма бошланғич бадал сифатида «Ипотекабанк» филиалларида шакллантирилиши зарур.

2018 йил давомида аҳолига берилган ипотека кредитларининг вилоятлар кесимидаги сони ва суммаси жадвалда келтирилган.

27-бетдаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятлар кесимида берилган ипотека кредитларининг энг кўп қисми Тошкент шаҳрига, кейинги ўринларда Қашқадарё вилояти, Тошкент вилояти, Самарқанд ва Фарғона вилоятларига тўғри келади.

Ипотека кредитлари 20 йил муддатга, 3 йил имтиёзли давр билан, кредитдан фойдаланганлик учун дастлабки 5 йил даво-

[4] *«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 февраль.*

Жадвал

2018 йил давомида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари
(ҳудудлар кесимида)

№	Вилоятлар	Кредитлар сони	Суммаси (млрд. сўм)
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2 967	328
2	Андижон вилояти	1 960	227
3	Бухоро вилояти	2 380	283
4	Жиззах вилояти	2 011	207
5	Қашқадарё вилояти	4 682	584
6	Навоий вилояти	2 034	186
7	Наманган вилояти	2 296	224
8	Самарқанд вилояти	3 507	419
9	Сурхондарё вилояти	2 657	330
10	Сирдарё вилояти	1 316	138
11	Тошкент вилояти	3 457	314
12	Фарғона вилояти	3 264	355
13	Хоразм вилояти	1 822	226
14	**Тошкент шаҳри**	**5 001**	**738**

Манба: *Марказий банкнинг 2018 йилги Статистик бюллетени асосида муаллиф томонидан тузилди.*

мида йиллик 7 фоиз ва қолган даврда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида ажратилади. Бунда банк сотиб олинадиган уй-жой умумий қийматининг 75 фоизи миқдоригача бўлган суммани қарз олувчига кредит сифатида беради.

Кредит олувчи учун қатор солиқ имтиёзлари кўзда тутилган. Бунда кредит олувчининг ўзи ёки оила аъзоларининг кредит бўйича ойлик тўловларни қайтариш учун йўналтирган маблағи солиққа тортилмайди. Агар корхоналар қайтиб олмаслик шарти билан ўз ходимларига ипотека кредитининг бошланғич бадалини тўлаб берган бўлса, мазкур маблағ ҳам солиққа тортилмайди. Шунингдек, кредит тўлиқ қайтарилгунига қадар хонадон учун мол-мулк солиғи тўланмайди.

Агар 2 хонали уй бугунги кунда 110 млн. сўм бўладиган бўлса, унинг бошланғич бадали 27,5 млн. сўмга тўғри келади. Шунда қолган 82,5 млн. сўм 20 йил давомида тўлаб борилади. Дастлабки 3 йилда фақатгина ўша 82,5 млн. сўмнинг фоизи тўланади. Ойлик тўловлар тахминан 450–460 минг сўмга тўғри келади[5].

Шуни айтиш лозимки, мамлакатимизда параллель равишда иккита уй-жой дастури амалга оширилмоқда:

- 2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури (21.10.2016 йилдаги ПҚ-2639-сонли қарор билан тасдиқланган).
- 2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури (22.11.2016 йилдаги ПҚ-2660-сон қарор билан тасдиқланган).

Уй-жой қуриб битказилгач, бириктирилган хонадонни сотиб олиш истагидаги фуқаро банкка бир қатор ҳужжатларни тақдим этгач, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож жисмоний шахсларга кўп квартирали уй-жойдаги квартирани сотиб олиш учун ипотека кредитлари юқорида келтирилган шартларда ажратилади.

Умуман олганда, ҳар қандай соҳада бўлгани каби, ипотека кредити беришда ҳам муаммолар мавжуд бўлиб, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда, улар ўртасидаги расмийлаштириладиган ҳужжатларда ҳамда кредитларнинг қайтишида айрим муаммолар учрайди. Бундай муаммоларнинг олдини олиш учун асосан ҳуқуқий саводхонликни янада ошириш лозим, деб ўйлаймиз.

Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ва уй-жойларни реконструкция қилиш ҳали энди ривожланиб бораётганини ҳисобга олсак, бу борада юзага келадиган муаммолар ечими ҳам маълум давр ичида ҳал этиб борилади.

ABSTRACTS

IMPROVING MORTGAGE LOANS FOR YOUNG FAMILIES

The article states that the population of our republic is growing steadily and the need for housing is also increasing, therefore, one of the most pressing economic problems of the present day is the growing housing need of the population. It is also noted that the provision of Housing to the population, especially young families, as well as the provision of preferential mortgage loans, is one of the priority tasks of solving problems in this regard. The State programs adopted in this sphere, proposals on problems in the field of mortgage lending and ways for their solution presented as well.

ЎзА фотосуратларидан фойдаланилган.

[5] *https://uz24.uz. сайти маълумоти.*

Франция

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИНВЕСТИРОВАНИЯ В ИПОТЕКУ

Ипотека является одним из самых популярных банковских продуктов во многих странах мира. Это один из показателей доступности жилья для населения.

Термин «ипотека» появился в Греции в начале VI в. до н.э. и уже тогда был связан с обеспечением ответственности должника перед кредитором определенными земельными владениями. Термин ввел архонт Солон – один из самых знаменитых греческих законодателей. В 594 г. до н.э. он осуществляет свои реформы, в том числе отменяет поземельные долги, вводит свободу завещания, по которой имущество уже не обязательно переходит к наследникам рода, а каждый имеет право завещать «собственность» по своему усмотрению. Для перевода личной ответственности в имущественную Солон предложил ставить на имении должника столб с надписью, что эта земля служит обеспечением претензий на определенную сумму. Такой столб на границе заложенного участка и назвали ипотекой (по-гречески «hypotetheca» означает подставка, подпорка). На нем отмечались все долги собственника земли, и заимодатель писал, что это имущество служит ему обеспечением претензии на такую-то сумму. Таким образом в Древней Греции обеспечивалась гласность, позволявшая каждому заинтересованному лицу беспрепятственно удостовериться о состоянии данной земельной собственности. Позже для этой цели стали использовать особые книги, получившие название ипотечные.

Целью ипотечной системы Древней Греции являлось

Термин «ипотека» появился в Греции в начале VI в. до н.э. и уже тогда был связан с обеспечением ответственности должника перед кредитором определенными земельными владениями. Термин ввел архонт Солон – один из самых знаменитых греческих законодателей.

предотвращение опасности, связанной с негласными способами установления прав на недвижимость. Ведь земля – легко обращаемый товар, следовательно, всегда есть риск как для покупателей, так и для кредиторов по закладным, что эта собственность не освобождена от долгов или заложена. Поэтому ипотека препятствовала переходу имущества к другому владельцу, так как обеспечение заключалось не в личности собственника, а в стоимости его имущества. С течением времени слово «ипотека» стало употребляться для обозначения залога.

Постепенно ипотека вошла в средневековое европейское законодательство. В Германии она появилась примерно в XIV столетии, во Франции – с конца XVI века. Первый ипотечный банк был основан в Силезии в 1770 году. Это был государственный банк, оказывавший финансовую помощь крупным помещичьим хозяйствам. Для привлечения средств банк выпускал закладные (разновидность ипотечных облигаций).

МОДЕЛИ ИПОТЕЧНОГО КРЕДИТОВАНИЯ В СТРАНАХ МИРА

Уже в наше время технология инвестирования в жилищную сферу начала строиться на трех основных принципах: контрактные сбережения, ипотечное кредитование, государственная поддержка. Конечно, конкретные механизмы реализации этих принципов отличаются. Так, различные модели контрактных сбережений распространены в европейских странах. В США преобладает ипотечная модель инвестирования в строительство жилья. Но наибольший интерес, по мнению аналитиков, представляет собой модель ипотечного кредитования, внедренная специалистами малайзийской корпорации «Кагамас». Эта модель функционирует через специально созданную ипотечную компанию в форме ЗАО, в состав которой вошли Банк Малайзии (20%), коммерческие банки (60,5%), финансовые компании (19,5%). Уставный капитал корпорации составляет около $40 млн. Основной задачей корпорации является обеспечение ликвидности, низкой стоимости строительства, долгосрочного характера ипотечных кредитов, выбора финансирования для покупателей жилья. ЗАО выкупает ипотечные кредиты у кредиторов (банков) и затем выпускает ценные бумаги – ипотечные облигации, обеспеченные пулами приобретенных ипотек, иными словами, залоговых прав на недвижимое имущество. Продавая ипотечные облигации, компания

> Для перевода личной ответственности в имущественную Солон предложил ставить на имении должника столб с надписью, что эта земля служит обеспечением претензий на определенную сумму. Такой столб на границе заложенного участка и назвали ипотекой (по-гречески «hypotetheca» означает подставка, подпорка).

Германия


Япония

Малазия

покрывает свои расходы от покупки ипотечных кредитов, а банки, в свою очередь, получают возможность использования полученных средств для предоставления новых ипотечных кредитов, что, в конечном итоге, стимулирует развитие рынка жилищного строительства, отмечают аналитики.

Такая модель несколько схожа с американской, где также участвуют ипотечные агентства. Но в американской модели агентства скупают пулы ипотек для дальнейшей их продажи на рынке в виде ценных бумаг, обеспеченных закладными. В малайзийской же модели агентство скупает пулы закладных определенного качества, сохраняя их в своем портфеле, и эмитирует собственные долговые обязательства, рефинансируя покупки пулов ипотечных закладных. Основным преимуществом малайзийской модели является простота и надежность, которую обеспечивает государство посредством участия в капитале ипотечной компании. Покупка ипотечных кредитов, отвечающих определенным критериям, осуществляется централизованно

> Банки стран Европы действуют на рынке в качестве посредников, координируя потребности заемщиков в кредитовании недвижимости по низкой цене и потребности инвесторов в ликвидных, доходных и высоконадежных ценных бумагах.

у субъектов ипотечного рынка. Причем, в зависимости от вида соглашения между банком и «Кагамас», банк несет определенный объем обязательств перед агентством. При заключении контракта с обязательством обратного выкупа банк обязан осуществить немедленный выкуп кредитов, переставших отвечать требованиям «Кагамас». При заключении контракта без обязательства обратного выкупа весь сопутствующий риск принимается агентством, банк же осуществляет обслуживание кредита, которое производится через внесение платежей «Кагамас», состоящих из платежей заемщиков за минусом комиссионных обслуживающего банка. Основными условиями кредитования являются маржа финансирования от 70% до 80%, средняя окупаемость кредита за 20–25 лет, сумма основного долга погашается ежемесячно в размере 1/3 от дохода заемщика.

Специалисты, анализируя мировой рынок ипотеки, выделяют также схему кредитования, практикуемую на европейском ипотечном рынке, считая ее достаточно простой для применения. Банки стран Европы действуют на рынке в качестве посредников, координируя потребности заемщиков в кредитовании недвижимости по низкой цене и потребности инвесторов в ликвидных, доходных и высоконадежных ценных бумагах. Так, банк сначала предоставляет кредиты под обеспечение первоклассных закладных на недвижимость, затем данные кредиты группируются в однородные пулы. Далее осуществляется выпуск ипотечных облигаций – ценных бумаг, обеспечением

США


Аргентина

которых является пул первоклассных ипотечных кредитов и гарантии самого банка. Таким образом, ипотечные облигации служат для рефинансирования выданных ипотечных кредитов. При этом должны соблюдаться два главных принципа: принцип покрытия и принцип соответствия. Принцип покрытия подразумевает соответствие стоимости активов, заложенных по закладным, стоимости облигаций, выпущенных на их основе. Стоимость заложенного имущества должна быть, как минимум, равна стоимости выпущенных облигаций.

Принцип соответствия подразумевает соответствие сроков по активам и привлеченным средствам, то есть банк должен следить за тем, чтобы сроки погашения по активам и обязательствам совпадали.

ИПОТЕКА КАК ИНСТРУМЕНТ ИНВЕСТИРОВАНИЯ

К 2018–2019 гг. ипотечный кредит в странах Евросоюза становится продуктивным вариантом для инвестиций за счет относительно невысоких ставок и выгодных условий кредитования, утверждают аналитики. Правительство большинства европейских стран заинтересовано в инвестициях в рынок недвижимости, поэтому ипотечный рынок в странах Европы предлагает довольно гибкие условия иностранным покупателям. Кредиты в ЕС чаще всего выдаются на 20 лет, а в случае досрочного погашения владелец недвижимости не обременяется никакими дополнительными платежами.

Размер процентной ставки в странах Европы, как правило, связан с «Euribor» – ставкой европейского межбанковского кредитования. Для одобрения на получение ипотечного кредита потенциальному покупателю, прежде всего, необходимо подтвердить свою платежеспособность. Предоставить заявление на получение ипотечного кредита в странах Евросоюза могут лица в возрасте от 20 до 65 лет, обладающие открытым счетом в местном банке, страховкой, кредитоспособностью и постоянной работой, полным комплектом сопутствующей документации.

Что касается ипотечных ставок в странах Европы в 2019 году, то их размер зависит от размера ставки рефинансирования. Банк берет кредит у центрального банка под его процентную ставку, а клиенту выдает кредит под этот же процент, суммированный с процентом конкретного банка. В качестве залога при ипотеке чаще всего выступает приобретаемый объект недвижимости. Доход банка зависит от годовой прибыли, умноженной на количество лет, на которые выдается кредит.

Предоставить заявление на получение ипотечного кредита в странах Евросоюза могут лица в возрасте от 20 до 65 лет, обладающие открытым счетом в местном банке, страховкой, кредитоспособностью и постоянной работой, полным комплектом сопутствующей документации.

Швейцария

Часто получить кредит могут не только граждане конкретной страны, но и иностранцы. К примеру, в Германии приобретение недвижимости в ипотеку среди нерезидентов очень распространено – несмотря на увеличение процентной ставки до 2–2,5%, эти условия выгодны для иностранцев, прежде всего, благодаря фиксированной ставке, не зависящей от времени. Это позволяет стране не поднимать ставку по ипотеке выше 5% годовых для нерезидентов и 2% годовых для своих граждан.

Оценивая банковскую систему европейских стран, аналитики отмечают, что в наиболее выигрышной экономической позиции находится именно Германия. В 2018 году процент по жилищным займам здесь достиг своего предельного минимума, и все это на фоне стабильной экономической обстановки и растущем спросе на доступное жилье. В Германии ипотека доступна под приобретение дома либо коммерческой недвижимости. Главным фактором для получения кредита является размер инвестиций, которые предполагается вложить в объект. Для получения ипотеки необходимо личное присутствие в стране, наличие капитала для первоначального взноса (минимум 40% стоимости объекта), наличие гражданского и заграничного паспортов, открытие счета в одном из немецких банков.

Зачастую немецкие банки требуют открытия депозитного счета и перевода на него определенной суммы – только так банк может удостовериться в платежеспособности покупателя. Оформление ипотеки в Германии занимает около пяти недель, процентная ставка может варьироваться в зависимости от типа объекта и суммы первоначального взноса.

Интересная ситуация с ипотекой наблюдается в США. Еще во времена Ф.Рузвельта в Штатах начала складываться разветвленная система ипотечного кредитования жилищного строительства и приобретения жилья в собственность. Американская ипотека на протяжении десятилетий получала мощную поддержку государства и в условиях развитой экономики стала лидирующей формой приобретения жилья. Сильно по ипотеке ударил мировой финансовый кризис 2007–2008 гг. Даже спустя десятилетие ситуация на ипотечном рынке оставляла желать лучшего: еще в прошлом 2018 году аналитики фиксировали рост ставок по ипотечным кредитам, неблагоприятные условия налогообложения, что препятствовало инвестициям в новое и имеющееся жилье, сокращение расходов на строительство жилья более чем на 11%.

Однако уже к июню 2019 года эксперты говорят о явном восстановлении рынка, и катализатором является существенное снижение ставок по ипотечным кредитам: стандартная фиксированная ставка по кредитам на 30 лет снизилась до 3,8% с 4,9%. Отчасти это снижение экс-

перты объясняют изменением перспектив инфляции, но в основном оно обусловлено сокращением реальной стоимости капитала для покупателей жилья.

- оценка средних по этим двум подвыборкам значений макроэкономических и качественных индикаторов с последующим их сопоставлением. Те индикаторы, по которым различия велики (1,5 и более раз) и определят направления укрепления потенциала устойчивости (например, ограничение сырьевой направленности экономики, повышение уровня монетизации и т.д.);
- по выявленному кругу индикаторов сопоставляются их значения для Узбекистана со средними оценками для стран-эталонов. Выявленные разрывы показывают направления и существующие резервы укрепления потенциала устойчивости развития национальной экономики.

Полученные результаты показали необходимость развития, прежде всего, финансового рынка. Так, для первой груп-

Рынки сырьевых товаров являются сильно волатильными, что создает существенные риски при снижении уровня мировых цен и приводит к снижению устойчивости темпов экономического роста и уязвимости к внешним шокам.

[6] *Оценки Всемирного банка за 2008 г.*

[7] *Критерии отбора – ВВП на душу населения (3–25 тысяч долларов США по ППС, уровень развития), население (не менее 5 миллионов человек, емкость внутреннего рынка), доля промышленности в структуре экономики (не менее 20% ВВП, уровень индустриализации).*

[8] *В институте сформирована соответствующая база по 75 развивающимся странам мира, включающая около 50 макроиндикаторов и индексов по направлениям: индикаторы инвестиционной активности (сбережения, инвестиции, кредиты и т.д.); структурные параметры (структура экономики и показатели сырьевой направленности), уровень открытости экономики (по величине экспорта); развитость финансовой системы (по уровню монетизации и масштабам развития финансового рынка); качество госинститутов (по индексам свободы от коррупции, соблюдения законодательства, эффективности госуправления) и т.д.*

пы стран (высокий потенциал устойчивости) уровень монетизации экономики в последние годы был в 2,5 раза выше, чем для второй, а уровень развития фондового рынка – более чем в 20 раз (по величине торгового оборота в % к ВВП). Это обеспечило первой группе высокие показатели сбережения и инвестиционной активности. Валовые сбережения в среднем в 2,5 раза превосходили аналогичный показатель по второй группе стран, причем высокий уровень инвестиционной активности обеспечивали кредиты национальных банков частному сектору (1,5 раза).

Другим условием укрепления потенциала устойчивости является улучшение инвестиционного и делового климата. Усредненная оценка индикатора Doing Business для первой группы оказалась в 1,5 раза выше, чем во второй.

Высокий уровень инвестиционной активности и привлекательная деловая среда обеспечила первой группе и более высокую степень диверсификации экономики, что отразилось в показателе доли высокотехнологичной продукции в структуре экспорта (превышение в 3,2 раза). В этом же направлении действует и инновационный фактор, т.к. средние расходы на науку и технологии (в % к ВВП) по первой группе были в 1,6 раза выше, чем во второй.

Результаты эконометрического анализа (см. таблицу 1) в целом подтверждают сделанные выше выводы, в том числе и в отношении роста качества банковской системы.

С другой стороны, увеличение масштабов теневой экономики негативно влияет на перспективы развития. Полученный при этом факторе коэффициент 0,24 означает уменьшение значения индикатора устойчивости на 2,4 п.п. при увеличении масштаба теневого сектора на 10 п.п. (в % к ВВП).

Полученные результаты свидетельствуют также о высокой информативности международных индексов в анализе устойчивости экономического развития. Сразу три таких индекса оказались статистически значимыми и положительно связанными с показателем устойчивости – индексы соблюдения действующего законодательства (RoL), развития человеческого капитала (HDI), повышения степени экономической свободы (IEF). Оценки соответствующих коэффициентов служат важной информацией о силе влияния этих факторов на устойчивость, что позволяет более осознанно подходить к выбору последовательности и приоритетов реформ, направленных на укрепление судебно-надзорной системы, развитие систем образования и здравоохранения, ограничение неэффективного присутствия государства в экономике.

Аналогичный анализ выполнен и для другой, не менее актуальной для Узбекистана проблемы – повышения качества (инклюзивности) экономического роста. Критерием отбора стран в этом случае был показатель прироста занятости, приходящийся на один процентный пункт прироста ВВП, т.е. вклад экономического роста в расширение устойчивой занятости как основы решения большинства проблем социального развития. Полученные при этом результаты в сопоставлении с аналогичными индикаторами для Узбекистана сведены в таблицу 2.

Сопоставление параметров условий перехода на траекторию устойчивого роста, вытекающих из обобщенных оце-

Таблица 1

Результаты регрессионного анализа влияния различных факторов на величину скорректированных чистых сбережений

Индикатор качества	Коэфф. регрессии
Качество банковской системы (доля банковских кредитов частному сектору в % ВВП)	0.06 (0.11*)
Индекс верховенства закона (Rule of Law)	3.97
Индекс человеческого развития (HDI)	17.64
Объем теневой экономики в % ВВП	-0.24
ПИИ	н.з.
Индекс экономической свободы	0.17

** Для стран с долей кредитов частному сектору менее 100% ВВП.*

Примечание: *все уравнения включают в себя вектор контрольных переменных (ВВП на душу населения, открытость экономики).*

Источник: *результаты получены по широкой выборке стран, для которых имелась статистика по чистым скорректированным сбережениям за 2000–2013 гг.*

Таблица 2

Целевые параметры экономической среды структурных и качественных сдвигов, требуемые для обеспечения устойчивости роста и повышения его вклада в расширение продуктивной занятости

Индикаторы экономической среды и качественные характеристики	Единица измерения	Значения, требуемые для долгосрочной устойчивости (средние за 2010–2015 гг.)	Значения, требуемые для инклюзивности роста (средние за 2010–2015 гг.)	Значения для РУз (2015 г.)
Валовые сбережения	% ВВП	от 38 до 42	-	32,0
Валовые инвестиции	% ВВП	от 26 до 28	-	30,8
Валовой внутренний кредит частному сектору	% ВВП	от 48 до 55	-	6,5
Доля промышленности	% ВВП (по классификатору ОКЭД)	от 46 до 47	-	33,0
Доля обрабатывающей промышленности	% ВВП	от 15 до 20	-	11,5
Открытость экономики (экспорт)	% ВВП	от 44 до 46	-	23,5
Уровень монетизации экономики	% ВВП	от 68 до 78	68–70% (Чили, Бразилия, Чехия)	22-24
Энергоэффективность	долл. США/ кг. н.э.	от 7,8 до 8,1	не ниже 11 (Коста Рика, Марокко, Панама)	3,2 (2013 г.)
Уровень инфляции	дефлятор ВВП, %	не выше 7,6-8,1	не выше 7,0–8,0% (Чехия, Китай, Малайзия, Словения)	12,0
Текущий счет платежного баланса	% к ВНД	В области положительных оценок	-	+1,7
Доля высокотехнологического экспорта	в его общем объеме	не ниже 20–22%	-	7,1
Расходы на R&D	% ВВП	не ниже 0,6–0,8	-	0,25
Человеческое развитие	Индекс человеческого развития	-	не ниже 0,7 (Чили, Хорватия, Иордания, Турция)	0,67
Качество госинститутов (от -2,5 до +2,5)	(CPI), (RoL), (Geff)	-	1,8 1,4 1,3 (Малайзия, Чехия, Хорватия, Таиланд и т.д.)	-1,16 -1,07 -0,68
Инвестиционный климат	Индекс легкости ведения бизнеса	-	не выше 80–85 места (Чехия, Македония, Польша, Турция)	87

Источник: *обобщение статистики Всемирного Банка за 2000–2015 годы и межстрановый сопоставительный анализ по критериям устойчивости и инклюзивности экономического роста.*

нок стран-ориентиров, с аналогичными показателями для Узбекистана подтверждает и расширяет выводы, сделанные ранее применительно к совокупности наименее устойчивых развивающихся стран мира. Это касается необходимости развития финансового рынка, недостаточной экспортной ориентации (открытости) национальной экономики, слабых стимулов к сбережению и росту ресурсоэффективности.

Значительный потенциал роста устойчивости лежит в сфере ускоренного развития обрабатывающей промышленности республики, о чем свидетельствует двукратный разрыв по этому параметру между фактической и целевой оценкой. Основные причины – неразвитость конкурентных рынков, избыточное присутствие государства в сфере инвестиционной деятельности, неэффективная и непоследовательная политика стимулирования развития перспективных отраслей по производству готовой продукции.

Для Узбекистана критически значимым фактором устойчивости развития является достижение требуемого уровня энергоэффективности, по уровню которой Узбекистан существенно отстает от целевого ориентира ($3,2 против необходимых $8). Высокая энергоемкость экономического роста означает значительную нагрузку на природный капитал и экологию, а поддержание достигнутых темпов прироста ВВП требует мобилизации всех инвестиционных ресурсов, газодобычу и энергетику в ущерб обрабатывающей промышленности и инвестированию в неосязаемый капитал.

Ситуация усугубляется значительной долей в структуре национальной экономики старых энергоемких производств в сфере генерации самой электроэнергии, металлургии, выпуска удобрений и другой традици-

Диаграмма 1

Разрывы по качеству госинститутов между Узбекистаном и устойчиво развивающимися странами мира

Источник: *данные Всемирного банка за 2011–2016 гг.*

Диаграмма 2

Динамика индекса восприятия коррупции

Источник: *составлено автором.*

Диаграмма 3

Динамика индекса соблюдения действующего законодательства (rol)

Источник: *составлено автором.*

онной химической продукции, строительных материалов (цемент, стеновые материалы). Их перевооружение (перепрофилирование) осуществляется очень медленно, т.к. это капиталоемкие технически отсталые производства, отягощенные изношенной инфраструктурой и их модернизация сопряжена со значительными финансовыми затратами, возврат которых инвестору в условиях возросшей конкуренции весьма проблематичен.

Масштабное закрытие этих производств также не представляется возможным, т.к. они являются базообразующими для всей экономики, формируют значительную часть бюджетных поступлений, обеспечивают значительную часть занятости в промышленном производстве. Однако именно от решения этой проблемы в первую очередь будет зависеть устойчивость роста национальной экономики уже в ближайшее десятилетие.

Как и ранее, сопоставление ориентиров устойчивости с показателями национальной экономики выявило существенные проблемы с ее качественными изменениями, отражаемыми индексами международных организаций. По большинству из них сложились существенные разрывы с ориентирами устойчивого развития. Оценить остроту рисков неустойчивости развития, возникающих в результате отсутствия необходимых качественных изменений, отражаемых этими индексами, можно и графически, если все эти индикаторы переформатировать по шкале от 0% до 100% (см. диаграмму 1). Как следует из полученных результатов, значительные разрывы сложи-

лись по качеству госрегулирования, контролю коррупции, соблюдению действующего законодательства, эффективности правительства. Не устранив эти разрывы, сложно рассчитывать на прогресс по другим направлениям накопления потенциала устойчивости развития.

Ситуация осложняется отсутствием прогресса в динамике этих индикаторов. Например, динамика индекса контроля (восприятия) коррупции начиная с 2000 года носила нестабильный характер (см. диаграмму 2), не превышая значения минус 0,9 при пороговом значении в плюс 1,8, что свидетельствует об отсутствии системного подхода, недостаточной эффективности и последовательности мер в решении этой проблемы.

Схожие выводы можно сделать при анализе динамики индекса соблюдения действующего законодательства (см. диаграмму 3) и других индексов качественных изменений национальной экономики.

Следовательно, первоочередной задачей в обеспечении устойчивости и повышении качества экономического роста является вывод динамики этих индикаторов в область положительных значений, т.е. улучшение (увеличение) как минимум на 1,1 позицию индекса соблюдения действующего законодательства[9], на 0,6 позиций индекса эффективности правительства и на 1,2 позиции индекса по контролю за коррупцией, а меры по повышению качества институтов должны иметь наивысший приоритет в системе мер, направленных на повышение потенциала устойчивости развития и инклюзивности экономического роста.

> Для Узбекистана критически значимым фактором устойчивости развития является достижение требуемого уровня энергоэффективности, по уровню которой Узбекистан существенно отстает от целевого ориентира ($3,2 против необходимых $8).

Учитывая значительную сложность этой задачи[10], меры, направленные на ее решение, должны носить нетривиальный характер. Прежде всего, необходимо кардинально усилить контроль за выполнением действующего антикоррупционного законодательства, активно привлекая для этого население и журналистское сообщество.

Ввести порядок назначения материального вознаграждения за раскрытие информации о злоупотреблении в процентах от суммы возмещенного ущерба со стороны того или иного служащего (опыт Кореи). Следует создать независимое агентство по борьбе с коррупцией и ограничению теневой экономики.

Важно также повысить статус госслужащего при одновременном усилении контроля за его доходами, а также ответственности за принимаемые им решения вплоть до уголовной, если эти решения стали основной причиной банкротства частных предприятий и предпринимателей.

Следует также повысить роль науки в организации мониторинга этих и других мер по улучшению позиций республики в международных рейтингах, в том числе путем разработки методики получения объективных оценок их результативности для населения и устойчивости экономического развития.

ABSTRACTS

ANALYTICAL POTENTIAL OF INTERNATIONAL INDEXES IN SOLVING THE PROBLEM OF SUSTAINABILITY OF DEVELOPMENT

International indices and ratings began to be applied relatively recently as an addition to the traditional system of indicators, complementing quantitative assessments of economic development with important information about its qualitative transformations. In this article, the author examines various international indices and their importance for raising the ratings of Uzbekistan, as well as ways to solve the problems associated with the low level of individual ratings of our country.

[9] *В 2016–2017 годах его значение составило минус 1,1.*

[10] *Среди анализируемых 75 развивающихся стран лишь единицам в последние 18 лет удалось решить эту задачу. Применительно к проблеме контроля за коррупцией – Саудовская Аравия (с -0,42 в 2000 г. до +0,06 в 2010 г.), Турция (-0,71 в 2002 г. и 0 в 2006 г.), Грузия (-0,65 в 2003 г. и -0,04 в 2006 г.). По качеству госуправления – Албания (с -0,26 в 2000 г. до +0,07 в 2007 г.), Ливан (с -0,4 в 2000 г. до +0,08 в 2010 г.), Молдова (с -0,46 в 2005 г. до +0,02 в 2004 г.).*

МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Шариф Кучаров,
Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази катта илмий ходими

Республика аҳолиси орасида меҳнатга лаёқатли фуқаролар сонининг ошиб бориши янги иш ўринларини яратиш, жойларда бандликни таъминлашнинг ўзига хос янги шаклларини топишни тақозо этади. Таъкидлаш жоизки, меҳнат бозоридаги бандлик муаммоларини ҳал этиш ва бартараф қилиш ривожланиб келаётган давлатлар олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу муаммоларнинг ечимини топишда бандлик билан боғлиқ масалаларнинг асосий негизини топиш ва ҳозирги кун талабига мос фикр юритиш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш Давлат буюртмаси тўғрисида»ги қарори республикада аҳоли ишсизлик даражасини камайтиришга қаратилган асосий чора-тадбирлардан ҳисобланади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижроси бўйича аҳоли бандлигини таъминлаш, давлат органлари ишлари самарадорлигини ошириш, аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Республика Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга доир «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мазкур чора-тадбирлар замирида меҳнат бозоридаги ҳақиқий ҳолатни республикамиз ҳудудлари кесимида чуқур таҳлил қилиш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича давлат буюртмаларини ишлаб чиқиш ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун янги иш жойлари квотасини белгилашга доир аниқ мақсадли йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда[1].

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш Давлат буюртмаси тўғрисида»ги қарори респуб-

[1] *Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарорига 1-илова.*

ЎзА фотоси.

ЎзА фотоси.

ликада аҳоли ишсизлик даражасини камайтиришга қаратилган асосий чора-тадбирлардан ҳисобланади[2]. Мазкур қарорда ўз-ўзини банд қилган фуқароларнинг вақтинчалик меҳнат патенти учун тўловни амалга оширган даврини меҳнат стажига киритиш, вақтинчалик меҳнат патенти орқали ўз-ўзини банд қилган фуқароларда пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг уларга пенсия тайинлаш ҳуқуқларини бериш, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредит ажратиш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидаги касб-ҳунар коллежлари, «Ишга марҳамат» маркази, касбга ўқитиш (KOICA) марказларида тадбиркорлик ва касбга тайёрлаш курсларида бепул ўқитиш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш назарда тутилган барқарор амалий ишларга эътибор қаратилган.

Шу мақсадда бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг тубдан ўзгариши, ишлаб чиқаришда янгича ёндашув, хизмат кўрсатиш соҳаларида янгича касб ва тармоқларнинг кенгайиши касбга тайёрлаш ва ўқитишда, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашда янгича инновацион чора-тадбирларни қўллашни тақозо этади. Бу эса меҳнат муносабатларида асосий таъсир этувчи омил ҳисобланиб, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим роль ўйновчи муассасалар фаолиятини ҳам такомиллаштириш кераклигини кўрсатади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги 5052-сонли «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Жамоат ишлари жамғармаси ташкил этилиши, вақтинчалик банд бўлмаган аҳолининг йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, йўл ва уй-жой-коммунал инфратузилма объектларини қуришда, таъмирлаш ва реконструкция қилиш, шаҳар ва туманларни ободонлаштиришда, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларида иштирок этган ҳолда мавсу-

> Бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг тубдан ўзгариши, ишлаб чиқаришда янгича ёндашув, хизмат кўрсатиш соҳаларида янгича касб ва тармоқларнинг кенгайиши касбга тайёрлаш ва ўқитишда, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашда янгича инновацион чора-тадбирларни қўллашни тақозо этади.

[2] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш Давлат буюртмаси тўғрисида»ги ID-1417 лойиҳа қарори, 1-илова.*

Республикада ҳозирда мавсумий ишга жалб қилинган жамоат ишларида банд бўлган жамоани келажакда бандликка кўмаклашиш марказлари тасарруфидаги доимий меҳнат қилувчи жамоага айлантириш мумкин.

мий иш билан таъминланиши аҳоли ишсизлигининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг асоси ҳисобланади[3].

Таъкидлаш лозимки, мазкур фармон ижросини таъминлаш бўйича бандликни таъминлаш соҳасида фаолият юритаётган органлар фаолияти самарадорлигини ошириш, республика шаҳар ва туманларидаги бандликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини тубдан ўзгартириш, ушбу орган иш салоҳиятини қайта кўриб чиқиш шундай ишлар жумласидан бўлиб, бугунги кунда бандлик органлари аҳоли бандлигини таъминлашда турли корхона, ташкилотлар томонидан тақдим қилинган бўш иш ўринларига ишга кириш учун мурожаат қилган фуқароларни йўналтириш ва ишсизлар ҳисоботини юритиш билангина чекланиб қолмасдан, балки маҳаллий ишлаб чиқаришда иш ташкил қилган саноат корхоналари ва давлат органлари билан мунтазам маълумотлар базасини шакллантириш орқали ижтимоий ишлар бўйича буюртмалар қабул қилиш каби ваколатларга эга бўлган иш берувчи муассасага айланиши мумкин. Шу мақсадда ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, республикада ҳозирда мавсумий ишга жалб қилинган жамоат ишларида банд бўлган жамоани келажакда бандликка кўмаклашиш марказлари тасарруфидаги доимий меҳнат қилувчи жамоага айлантириш мумкин.

Амалга оширилган тадқиқотларнинг таҳлилий хулосалари шуни кўрсатмоқдаки, ташкил этилган жамоатчилик ишлари бўйича республика ҳудудларида жойлашган мазкур давлат ташкилотлари, бозорлар, турли хизмат кўрсатиш муассасалари ва хўжаликлар ҳудудларини ободонлаштириш ва тозалаш ишларига доимий талабнинг мавжудлиги аниқланган. Мазкур талабдан келиб чиққан ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, ташкил этиладиган доимий жамоани мунтазам иш фаолияти билан таъминлашда бандликка кўмаклашиш марказлари юқорида келтирилган ҳудудлардаги мавжуд объектлар билан ижтимоий ишлар бўйича тузилган шартнома асосида буюртмалар олишлари мумкин. Натижада ушбу доимий фаолият юритувчи жамоанинг меҳнат иш ҳақларини шу ҳудудда фаолият юритувчи (ташкилий-ҳуқуқий шаклидан катъи назар) субъектлар (давлат ташкилотлари, бозорлар, турли хизмат кўрсатиш муассасалари) томонидан ажратилган маълум бир фоиз улушидаги маблағлар ҳисобидан шакллантириш мумкин.

Бугунги кунда янги ташкил этилган иш ўринлари сонининг меҳнат бозори талабларига мос келмаслиги меҳнат бозорида мувозанатнинг бузилишига, республикамизнинг айрим минтақаларида ишсизлик даражаси ошиб кетишига, ноқонуний меҳнат миграцияси ва норасмий бандликнинг ўсишига олиб келмоқда. Аҳоли демографиясини ўрганишда аҳоли қатламининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилишидан келиб чиқиб, касб-ҳунар коллежлари, олий маълумотга эга бўлган битирувчи ёшларни иш билан таъминлаш даражасини аниқлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни янада такомиллаштириш лозимлиги талаб қилинмоқда.

Шунингдек, республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида республика шаҳар ва туманларида «Обод маҳалла», «Обод қишлоқ» каби дастурлар асосида турли кўринишдаги кенг кўламли давлат ва хусусий қурилиш корхоналари томонидан олиб борилаётган кичик ва катта ҳажмдаги қурилишларда ўзаро норасмий келишувлар асосида ҳеч қандай билим ва тажрибага эга бўлмаган шахслар меҳнатга

[3] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги 5052-сонли «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 7-бўлими.*

жалб қилиб келинаётгани сир эмас. Меҳнатга жалб қилинаётган, норасмий шаклда фаолият юритувчи мазкур ишчилар гуруҳининг ҳеч қандай тайёргарликка ва билим ҳамда кўникмаларга эга эмаслиги оқибатида қурилган ва реконструкция қилинган объектларнинг тегишли стандартлар талабларига жавоб бермаётганлиги, шунингдек, меҳнат муҳофазаси талабларига тўлиқ риоя қилинмаётганлиги кузатилган.

ЎзА фотоси.

Ўрганилган таҳлилий хулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда республика шаҳар, туман ва қишлоқларида мавсумий ишга жалб қилинган жамоага доимий талабнинг мавжудлигини инобатга олиб, бандликка кўмаклашиш марказлари тасарруфида ижтимоий ишларнинг шаклига қараб гуруҳларга бўлган ҳолда йўл ва уй-жой, коммунал инфратузилма объектларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, шаҳар ва туманларни ободонлаштириш ишларида, мавсумий қишлоқ хўжалик ишларида, қурилиш ишларида, ишлаб чиқариш, саноат корхоналари ҳудудларида буюртма асосида иш бажариш, «Обод маҳалла», «Обод қишлоқ» каби дастурлар асосида кенг кўламли турли кўринишдаги давлат ва хусусий қурилиш корхоналари томонидан олиб борилаётган кичик ва катта ҳажмдаги қурилишларда иштирок этиш ва буюртмалар олиш, мавсумий иш циклидан доимий фаолият юритувчи расмий шаклдаги меҳнат муҳофазаси талабларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий техника ресурсларига эга бўлган жамоага айлантириш мумкинлиги аниқланди. Шунингдек, меҳнат фаолияти давомида доимий жамоат ишларига жалб қилинган вақтинча ишсиз аҳолининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида бандлик органлари томонидан кенг қамровда маҳаллий меҳнат бозори ва ташқи меҳнат бозорлари талабига жавоб берувчи турли касбларга тайёрлаш курсларини ташкил қилиш, малакасини ошириш, уларнинг вазифаларини такомиллаштириш келажакда замонавий касб ва соҳалардаги янги инновацион технологиялар билан таништириш назарда тутилиши мумкин.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5623-сонли фармонига муофиқ ташкил этилган Урбанизация агентлигининг асосий вазифалари ҳисобланган саноатлаштириш сиёсатининг суръатлари, босқичлари ва натижаларини узоқ муддатли режалаштириш, шаҳар ва қишлоқлардаги демографик тенденцияларни таҳлил қилиш, жадал саноатлаштириш шароитида шаҳарларнинг демографик сиғимлари ҳамда ишчи кучига бўлган эҳтиёжларини ҳисоблаш, қишлоқ аҳолисини янги саноат ихтисосликларига ўқитиш ва қайта тайёрлашга қаратилган қатор институционал ва ташкилий чора-тадбирларга қаратилган эътибор келажакда бандлик масалалари бўйича кенг кўламдаги ис-

> Бугунги кунда янги ташкил этилган иш ўринлари сонининг меҳнат бозори талабларига мос келмаслиги меҳнат бозорида мувозанатнинг бузилишига, республикамизнинг айрим минтақаларида ишсизлик даражаси ошиб кетишига, ноқонуний меҳнат миграцияси ва норасмий бандликнинг ўсишига олиб келмоқда.

ЎзА фотоси.

лоҳотларнинг давомийлигини кўрсатади[4].

Ушбу фаолият турини такомиллаштириш келажакда меҳнат фаолиятини асослаш, меҳнат қадриятларининг мавқеини ошириш, меҳнат танглигига барҳам бериш, янгича меҳнат онги ва этикасини шакллантириш имконини яратиб беради. Ушбу масалаларни ўрганиш ва ҳал қилиш бўйича тадқиқотлар натижалари асосида олинган турли таклифлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан ўтказилаётган тадқиқотларда яққол кўзга ташланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил якунида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидаги аҳоли бандлигини таъминлашга доир фикрларида ижтимоий ҳаётда зарур бўлган, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида керак бўладиган касбларга талабнинг пасайиб бораётганлиги ачинарли ҳолат эканлиги таъкидланди. Президент ўз маърузасида битта ишсиз одам – ўнта муаммо эканлиги, бу муаммоларнинг ишсиз одамнинг ўзига, оиласи ва маҳалласига, жамиятга келтирадиган зарарли оқибатлари ҳақида тўхталиб ўтди[5].

Маърузада, шунингдек, касб тарбияси, меҳнат бозорини ўрганиш, ишсизлар сони, иқтисодиётнинг норасмий секторида банд аҳоли сони, хорижга иш қидириб кетганларнинг сони, иқтисодиётнинг реал секторидаги ишга бўлган талабни ўрганиш асосида мутахассис тайёрлаш чораларини кўриш зарурлиги, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган зарур чоралар кўриш лозимлиги ва аниқ таклифлар киритиш ҳақида сўз юритилди.

Айтиш мумкинки, ушбу муаммоларнинг ечимини топишда аҳоли бандлигини аниқлаш бўйича ҳисобот юритувчи меҳнат органлари томонидан бир қанча таклифлар олинди. Зеро муаммоларни ўрганишда бевосита аҳоли билан ишловчи органлар тақдим этаётган таклифлар эътиборга олинмас экан, ҳеч бир қонун ва қарорлар механизми тўлиқ ишламайди. Натижада бандликни таъминлашдаги реал муаммолар ўз ечимини топмайди.

Республикада Аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан ўтказилган аҳоли бандлигини аниқлаш бўйича таҳлилга кўра, Республика аҳолиси орасида иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида норасмий секторда фаолият юритувчи бандлар улушининг кўплиги солиқ тўловчилар улушининг қисқаришига олиб келмоқда. Бу эса аҳоли қатлами орасида солиқ муносабатларига нисбатан салбий тенденция мавжудлигини кўрсатади.

2018 йилда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаги, аҳоли бандлиги бўйича фаолият юритувчи бандлик бўлимлари томонидан тақдим қилинаётган вакансия иш ўринлари муқаддам норасмий секторда фаолият юритиб келган фуқароларга таклиф қилинганда, ушбу меҳнат тури бўйича иш ҳақи талабгорларни қониқтирмай келмоқда. Таълим ва медицина соҳалари бундан мустасно, албатта. Натижада аҳоли орасида расмий банд бўлмаслик ҳолатлари, солиқ тўловчилар сонини

[4] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5623-сонли фармони.*

[5] *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 декабрдаги йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган маърузаси.*

аниқлашда, шунингдек, бандлик бўлимлари томонидан республикада норасмий секторда фаолият олиб бораётган аҳоли қатламини билишда катта қийинчиликлар туғдирмоқда.

Кузатувларга кўра, бандлик органлари томонидан тақдим қилинаётган иш ҳақи кам бўлган иш ўринларига фуқароларни жалб қилишда расмий ишга кирган фуқароларга меҳнат органлари маҳаллий банклар билан ҳамкорликда ижтимоий имтиёзлар пакетини қўллаши мумкинлиги аниқланди. Бундай ижтимоий имтиёзлар пакетига уй хўжалигида деҳқончилик ёки чорвачиликни ривожлантириш мақсадида энг кам фоизда кредит олиш ҳуқуқини берувчи кредит карточкасини тақдим қилишни амалга ошириш ёки уй хўжаликлари фойдаланаётган мавжуд ер томорқа солиқларини камайтириш ёки таълим харажатлари, суғурта, соғлиқни сақлаш муассасаларида амалга ошириладиган турли тўлов харажатларини камайтиришга асосланган ижтимоий имтиёзлар мажмуасини киритиш орқали ҳозирги кунда норасмий сектордан расмий секторга ўтувчиларнинг сонини кўпайтириш мумкин.

Шунингдек, ташкил этилган иш ўринларининг ҳисобини юритишда ва ҳаққонийлигини таъминлаш масалаларида жойларда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва жавобгарлик механизмларидан яхши фойдаланилмаяпти. Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлашга доир меҳнат органларининг фаолиятини кучайтиришда маҳаллий банклар томонидан республикада тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилаётган кредитларни беришда кредит олувчи тадбиркорлар яратмоқчи бўлган иш ўринлари сонини меҳнат органлари томонидан назоратга олиш ваколатини бериш, яъни маҳаллий банкларнинг кредит қўмиталари таркибида Бандликка кўмаклашиш маркази мутахассисининг иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Ҳамкорликдаги ваколат доирасида меҳнат органлари кредит олувчи тадбиркорлар томонидан яратилаётган янги иш ўринлари бўйича аниқ маълумотлар тўплаш билан бирга меҳнат муҳофазасига доир шартларнинг ҳам бажарилиши тартибларини назорат қилиш иш берувчи ва ишга кирувчилар ўртасидаги муаммоларнинг ҳам олди олинишини таъминлайди.

Ўрганилган таҳлил хулосалари шуни кўрсатмоқдаки, республика маҳаллий банклари томонидан иктисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича корхона ва ташкилотларга берилаётган турли йўналишлардаги мақсадли кредитларни расмийлаштиришда корхона ва ташкилотлар режасида кўрсатилган янги иш ўринлари сони ҳалигача ноаниқлик касб этмоқда. Бу эса жойларда ишсизлар сонини аниқлашга, меҳнат бозорида мувозанатнинг бузилишига, республикамизнинг айрим минтақаларида ишсизлик даражаси ошиб кетишига, ноқонуний меҳнат миграцияси ва норасмий бандликнинг ўсишига олиб келмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакат иқтисодий тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири, шубҳасиз, аҳоли бандлигининг таъминланганлик даражаси ҳисобланади. Зеро, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишда меҳнат органларининг иш фаолиятини ислоҳ қилиш ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаб, аҳоли бандлигини таъминлашдаги ижтимоий фаолликнинг юксалишига асос бўлиб хизмат қилади.

ABSTRACTS

IMPROVING THE ACTIVITIES OF THE LABOR AUTHORITIES IS DEMAND OF THE TIME

The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the state order on employment and organization of new jobs in 2019" is currently the main legal document aimed at reducing the unemployment rate of the population in the Republic. According to the author, the conclusion, based on the conducted research, is that the team currently engaged in seasonal work in the Republic can in the future become a permanent working team under the Centers of Employment Promotion.

КИБЕРХАВФСИЗЛИК НИМА ВА У НЕГА КЕРАК?

Кўпчиликнинг тасаввурида банк – сўзсиз ҳимояланганликнинг синоними сифатида қабул қилинади. Лекин бир нечта муҳим муаммолар борки, банкларга хавфсизликни етарлича таъминлаш имконини бермайди. Банклар учун асосий таҳдидлар ташқаридан хуруж қилади деб ҳисоблашади, буни рақобатчиларнинг ҳийланайранглари, хакерлик ҳужумлари, сирнинг фош бўлиши ёки бошқа кўнгилсизликларга йўйишади ва улар билан ахборот хавфсизлиги бўлимлари ҳар куни дуч келадилар. Бундай ҳолатлар ҳақида ОАВ тез-тез хабар тарқатиб турадию, лекин муаммонинг илдизи диққат марказидан четда қолади. Журналистлар ҳам, одатда, оқибатлар хусусида ёзишади, лекин сабаблар очилмаганча қолаверади. Ваҳоланки, оғир оқибатларга олиб келадиган хатоликлар унча кўп эмас – улар бор-йўғи бешта.



ТУШУНЧАЛАРДАГИ ТАФОВУТЛАР

Одамлар банкни пул ва ҳужжатларни сақлаш учун энг хавфсиз жой деб биладилар. Гап агар бирор моддий нарса хусусида кетаётган бўлса, бу, албатта, тўғри. Лекин гап сейфда сақлаб бўлмайдиган нарсалар ҳақида борса-чи?

Бугунги кунда энг қимматли нарса – ахборот. Дунёда ахборот қиймати ошган сари уни муҳофаза қилиш усуллари ҳам қимматлашиб бормоқда. Ҳозирда Google ёки Facebook компаниялари миллионлаб ўз фойдаланувчиларининг маълумотларини ҳар қандай банкдан кўра яхшироқ муҳофаза қилаётирлар. Йирик IT-компанияларда хавфсизлик маҳсулотнинг ўзига шу қадар «сингитиб» юборилганки, уни маҳсулотнинг нақ таркибий қисми дейсиз. Айни вақтда банкларда маълумотлар муҳофазасини компаниянинг гумбазигача кўтариб қўйиш даражасига боришмоқда.

Молия ташкилотларининг бош хатоси ҳам шунда – улар хавфсизлик ва ITни бир-биридан ажратмоқчи бўладилар. Бундай ҳолда муҳофаза доимо ортда қолиб кетаверади. Боз устига, IT билан хавфсизлик ўртасида ихтилоф юзага келгудек бўлса, раҳбарият ITнинг ёнини олиши эҳтимолга яқинроқ, бу билан маҳсулотни тезроқ йўлга қўйиб юбориб, time to market, яъни бозор сари йўл вақтини қисқартиришдан манфаатдор бўладилар. Бу бизнес манфаатларига кўпроқ мос тушади, лекин ахборот хавфсизлиги талабларига эмас. Демак, буни IT дедлайнлари хавфсизлик вазифаларига ҳам хизмат қилади, деб тушуниш керак бўлади. Пировардида муҳофаза дастаклари ўзининг самарадорлигини

бир қадар йўқотади, сабаби улар маҳсулотга қолдиқ принципи бўйича сингиб кетади.

МУҲАНДИСЛАР ЎРНИГА ЗОБИТЛАР

Одатда, ахборот хавфсизлиги бўйича директор лавозимига банклар тажрибали ва улуғ ёшдаги бошқарувчиларни ёллашни исташади, уларнинг биргина салобати кишини сергак тортгиради. Лекин бундай «келбатли» раҳбарнинг қандай қилиб эртага ёш дастурчилар билан тил топишиб кета олиши масаласи ҳеч кимни қизиқтирмайди, ваҳоланки, у ана шу навқирон авлод билан ишлашига тўғри келади. Глобал рақамлаштириш асри келгунга қадар банкка айнан шундай одам керак эди, чунки у асосан пуллар ва ҳужжатларнинг жисмоний сақланиши учун жавобгар бўлган. Лекин бугунги кунда, Digital-компонент молиявий бозор учун ҳал қилувчи кучга айланган бир вақтда маълумотларни муҳофаза қилиш талаблари ҳам ўзгарди. Ҳозирда пухта техник тажрибага эга бўлиш – ахборот хавфсизлиги бўйича бўлинма раҳбариятига қўйиладиган муҳим талаблардан биридир.

Тадбирли бўлиш ҳамда дастурчилару муҳандислар билан ўзаро тил топишиб кета олиш ҳам муҳим хусусиятлардан ҳисобланади. Ушбу малакаларни ўзида уйғунлаштира олган менежер компанияда хавфсизликни таъминлаш бўйича ёндашувларни қатъий ўзгартира олади ва уни бир қадар технологик юқори даражага кўтаришга эришади.

ОРТИҚЧА ТАҲЛИКАЛАР

Қўрқув – ҳаракатга келтирувчи энг кучли омиллардан бири, лекин айни вақтда вазиятни бошқариш учун яхшигина дастак ўрнини ҳам босади. Одатда, ахборот хавфсизлиги хизмати ходимининг биргина қўнғироғи хавотирга тушиш учун етарли белгидир. Ички тартиб-қоидаларни бузганлик учун ишдан кетишдан қўрқиш – компанияларда кенг тарқалган ҳолат. Шунда хавфсизлик бўйича ходимларнинг ҳар қандай талаблари ортиқча мулоҳазаларсиз ижро этилади.

Бироқ хавфсизлик бўйича бўлинма раҳбарининг ўрин-мавқеи аслида бундан-да қамровлироқ. Ахборот хавфсизлиги бўйича бўлинманинг малакали раҳбари банкдаги хавфсизлик борасидаги аллақандай мавҳум тасаввурлар, асосланмаган таҳликалардан четланиб, аниқ-лўнда масалаларни ечишга қодир бўлган мақсадни ўз олдига қўя олади. Шунда бутун компания ахборот хавфсизлиги – замонавий бизнеснинг муаммолар манбаи эмас, балки ажралмас қисми эканлигини тушуниб етади. Бу яратувчан компонент бўлинма раҳбарининг ишида белгиловчи аҳамият касб этганда эса жамоадошларда маълумотлар муҳофазаси масалаларини ўрганишга кучли эҳтиёж туғилади.

> Ҳозирда пухта техник тажрибага эга бўлиш – ахборот хавфсизлиги бўйича бўлинма раҳбариятига қўйиладиган муҳим талаблардан биридир.

«ХАВОТИРЛИ» МУҲИТ

Киберхавфсизлик соҳаси – бугун онлайн-бизнес билан шуғулланаётганлар учун «олабўжи хонаси»га ўхшайди. Қўрқитиш банкчиларга таъсир кўрсатишнинг энг яхши усули бўлмаса-да, лекин у тезда самара беради. Банкларга хизматларни етказиб берувчилар ўз ишланмаларини оммалаштиришга катта маблағ сарфлашади. Раҳбарлар интернет-макон олдида доимий қўрқувни ҳис этиб туришларидан улар манфаатдордирлар.

Бундан, демак масаланинг бошқа ечими йўқ экан-да, деган хулосага бормаслик керак. Аксинча, юқори даражадаги рақобат муҳити ишлаб чиқувчиларни бошқа барча эркин воситаларни ишга солишга илҳомлантиради. Қайси таҳликаларга ҳақиқатда эътибор қаратиш лозим, қайсилари эса аслида шиширилган медиа-пуфак эканлигини ажратиб олиш ҳамма учун ҳам осон иш эмас. Медиа шовшуви олдида пинакни бузмасдан, мақбул нархларга ишончли шерикни топа олиш – бу ҳам банк олдида турган муҳим вазифалардан.

МУҚОБИЛЛИК ЎЙИНИ

Ахборотни муҳофаза қилиш соҳаси бошқа соҳалар сингари тартибга солинади ва бир қатор қонунларга бўйсунади. Айрим банкларда ўрнатилган меъёрларга риоя қилиш автоматик тарзда уларда хавфсизликни таъминлаб беради, деган хато тушунча шаклланган. Уларнинг аксарияти фақатгина мувофиқлик тўғрисидаги хулосани шунчаки олиш учун стандартлар талабларини бажарадилар. Бу, албатта, биринчи қадам учун яхши, лекин компания ўз хавфсиз-

хавфсизлигига тааллуқли бўлганлари бормикин?

1-маслаҳат: IT-мутахассис билан биргаликда дастурий таъминот ва уни қўллаб турувчи барча тизимларни ўрнатиш бўйича ёндашувни шундай ишлаб чиқингки, у сизнинг бизнес-жараёнларингизга талафот етказмасин, тизимингизнинг ўзи эса ахборот хавфсизлигига доир барча янгиланмаларни имкон борича оператив тарзда олиб турсин. Компанияда жараённинг бошқарувчисини, янгиланмаларни ўрнатиш учун ва янгиланмаларни ўрнатишни назорат қилиш учун жавобгар бўлганларни кўрсатган ҳолда дастурий таъминот янгиланмалари ва операцион тизимларни ўрнатиш жараёни бўлиши, шунингдек, ахборот тизимлари ва сервисларнинг муҳимлилик даражасидан келиб чиқиб, янгиланмаларни ўрнатишнинг аниқ вақти кўрсатилган меъёрлари бўлиши керак.

ТАШҚИ ПОРТЛАРНИ ТЕКШИРИНГ

Компаниянинг IT-тизимларига кира олиш имконияти хакерлик ҳужумлари турларидан бири ҳисобланади.

WannaCry ва Petya компаниялар орасида ҳам, ОАВда ҳам кўп шов-шувлар кўтарилишига сабаб бўлди. Лекин кўпинча бутун дунё бир зумда билиб қолган ҳужумларга нисбатан ҳеч ким сезмай қолаётган ҳужумлар энг хавфлиларидан ҳисобланади. Компаниянинг IT-тизимларига ноқонуний кириш хакерлик ҳужумлари турларидан биридир. Жиноятчи бу «ташрифи» билан нималар қила олади? Агар банкка кирган бўлса, ҳисобрақамларга, шахсий маълумотларга ва банк маълумотлар базасида сақланадиган мижозларнинг бошқа ахборотига эркин йўл очилади.

Ушбу эркин йўлга имкон берувчи ёндашувлар бир қанчадир. Биз жиноятчи олдида катта имконият эшикларини очувчи ва одатда кўп машаққатлар талаб қилмайдиган ёндашув ҳақида тўхталамиз. Бу махсус тармоқ портларини мониторинг қилиш, модомики улар очиқ бўлар экан, улар ёрдамида ахборот тизимларига эркин кириш имконияти билан боғлиқ ёндашувдир.

Жиноятчилар ўзларини қандай тутадилар? Тизимлар ва сервисларни (масалан, SSH (порт 22), TELNET (порт 23), RDP (порт 3389)) бошқариш учун қўлланиладиган портлар очиқ ёки очиқ эмаслигини текширишга имкон берувчи кўплаб сервислар мавжуд. Бу бир қадар Googlени эслатади, фақат у тармоқ портлари, қўлланиладиган жиҳозларнинг турлари, қўлланиладиган дастурий таъминотнинг номлари ва версияларидан иборатдир.

Бепул эркин киришда компанияларнинг ахборот тизимлари ва сервисларини қалтисликка доир тестдан ўтказиш учун дастаклар мавжуд.

Шуни қайд этиш керакки, мазкур жабҳага кириш жуда осон бўлиб, у махсус тайёргарликни талаб қилмайди ҳамда исталган жиноятчи махсус дастурий таъминотни ўрнатиши биланоқ ўз мақсадини амалга оширишга киришиб кетаверади.

Бундай дастакларга мисол сифатида амалий ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассислар орасида машҳур бўлган олдиндан ўрнатилувчи ҳамда дастурий таъминот (масалан, Kali Linux, BlackArch Linux, ParrotSec) ўрнатиладиган операцион тизимларнинг дистрибутларини, шунингдек, кенг жамоатчиликка маълум бўлган хакерлик гуруҳларининг алоҳида дастакларини келтириш мумкин. Масалан, Equation Group гуруҳи томонидан яратилган, тармоқ жиҳозларига, операцион тизимлар ва сервисларга кириш учун турли дастакларни ўз ичига олувчи ихтисослаштирилган дастурий таъминот жамланмасини ҳам мисол тариқасида келтирса бўлади.

Сизда қайси портлар очиқлигини билиш жиноятчига нима учун керак? Масалан, дейлик, SSH порти очиқ бўлса, паролни танлаш дастурини ишга тушириб юборса бўлади. Мазкур

лиги устида ҳақиқатда иш олиб бораётганини эътироф этиш учун бу етарли эмас.

Жаҳон бозори учун бу умумий муаммодир. Регуляторлар нормативларни ишлаб чиқишга атрофлича, яъни эътиборни назарий жиҳатга эмас, балки хавфсизликни нормативлар ҳисобидан таъминлаш амалиётига қаратган ҳолда ёндашмоқдалар: масалан, улар пентестларни (моҳиятга кириб бориш тестларини) текширувларнинг мажбурий таркибий қисмига айлантиришни таклиф этишади.

Юқорида келтирилганларнинг барчаси ахборот хавфсизлиги бозори турғун ҳолда эканлигини англатмайди. Соҳа етарлича суръатларда тараққий этмоқда. Лекин биз сақлаётган ва ишлов бераётган маълумотларимиз хавфсизлигини ҳақиқатда таъминламоқчи бўлсак, стандартларга мувофиқ келишнинг ўзи камлик қилади, улардан юқорироқ тура олиш керак.

КИБЕРХАВФСИЗЛИК: ОДАТИЙ ХАТОЛИКЛАР ВА ҲИМОЯЛАНИШ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЛАР

Алоҳида компанияларга ҳужум қилишни ортда қолдириб, хакерлар энди бутун бошли тармоқларга ҳужум уюштирмоқда. Улар мақсадининг бошида доимо молия соҳаси – банклар, биржалар ва бошқа молия муассасалари турган ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Ахборот хавфсизлиги тизимидаги одатий камчиликлар нималардан иборат ва киберхуружлардан қандай самарали ҳимояланиш мумкин?

ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТНИ ЯНГИЛАШДА АДАШМАНГ

Икки йилча олдин WannaCry ва Petya вируслари дунёни талвасага солган шов-шувларга сабаб бўлди. Улар бир-бирига ўхшаш қалтисликни қўллашди, шунинг учун WannaCryни ҳар икки вирус учун типик деб ҳисобласа бўлади. WannaCry 2017 йилнинг энг оммавий ҳужумларидан бўлди: Европа полициясининг баҳосига кўра, 150 мамлакатнинг қарийб 200 минг-та компьютери ушбу вируснинг исканжасида қолган.

Шунчалик кўп мақсадларга қарата ҳужум қилиш учун дастурчиларнинг кўп сонли бўлиши шарт эмас, кўплаб фойдаланувчилар ва компаниялар мубтало бўладиган биргина қалтисликнинг ўзи етади. Ҳужум оммавий тус олиши учун у қўлланадиган қалтислик оммавий фойдаланиладиган маҳсулотда мавжуд бўлишининг ўзи кифоя эди. Масалан, уни операцион тизимдан топиш мумкин, дейлик. WannaCry билан боғлиқ бўлган воқеликда жиноятчиларга Microsoft Windowsнинг операцион тизимидаги қалтислик иш берди, аниқроқ қилиб айтганда, SMBv1 деб номланган масофадан фойдаланиладиган протоколда вирус тарқатишди. Мазкур протокол операцион тизимнинг жуда катта миқёсини – Windows XPдан Windows 10гача бўлган катта жабҳани қамраб олди. WannaCry фойдаланувчининг операцион тизимини блокировкага олар ва унинг биткоиндаги маблағларини «киприк қоқмай» ундирарди.

Ҳали 2017 йилнинг 14 мартидаёқ, оммавий ҳужумдан уч кун олдин Microsoft компанияси SMBv1 протоколида қалтисликни бартараф этувчи янгиланмани жорий этган эди. Лекин уни ҳамма ўрнатиб улгурмаганди.

Дастурий таъминотнинг янгиланмалари мунтазам чиқиб туради: улар операцион тизим учун, амалий дастурий таъминот учун, жиҳозлар ва ҳ.к.лар учун мўлжалланган бўлади. Бироқ фойдаланувчилар уларни ўрнатишга шошилмайдилар. Бунга биргина эринчоқлик ёки фаромушхотирлик эмас, балки янгиланма компаниядаги бирор ўта муҳим нарсани бузиб юбормасмикин, деган тараддудланиш ҳам сабаб бўлади. Зеро, агар IT-мутахассис ўйлаб-нетиб ўтирмай, барча янгиланмаларни кетма-кет ўрнатаверса, бу IT-тизимларга боғлиқ бўлган ҳар қандай компания учун жиддий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин-да. Хўш, нима қилиш керак?

Агар сиз аудитор, мулкдор ёки IT-тизимнинг шунчаки муҳим фойдаланувчиси бўлсангиз, унинг учун масъул бўлган IT-мутахассислардан сўраб кўринг – сизнинг тизимингиз учун зарур бўлган барча талаб қилинадиган янгиланмалар қанчалик тез-тез ўрнатилади ва ўрнатилмаган янгиланмалар орасида ахборот

> Ахборот хавфсизлиги бўйича бўлинманинг малакали раҳбари банкдаги хавфсизлик борасидаги аллақандай мавҳум тасаввурлар, асосланмаган таҳликалардан четланиб, аниқ-лўнда масалаларни ечишга қодир бўлган мақсадни ўз олдига қўя олади.

дастур бирор-бир ҳисоб ёзувига, масалан, adminга муттасил пароль танлаб беради. Пароль танланиб бўлиши билан йўл очилади. Бузғунчи келгусида қўлга киритадиган фойда ва, тегишли равишда, қурбоннинг кўрадиган зарар даражаси жиноятчининг малака ва мақсадларига боғлиқ бўлади.

Администраторларнинг ҳисоб ёзувларидан ташқари, жиноятчи технологик ҳисоб ёзувларига кириш имкониятини ҳам қўлга киритишни исташи мумкин, булар одатда кенг ваколатларга эга бўлади. Лекин улар камроқ назорат қилинади.

Администрацияни энг яхши тарзда олиб бориш учун алоҳида ажратилган ҳисоб ёзувларидан фойдаланилади.

2-маслаҳат: IT-мутахассислардан қуйидаги бешта базавий шартларни амалга оширишни сўранг (ўзингиз ҳам бунга ишонч ҳосил қилинг):

- Тизимлар ва сервисларни (масалан, 22-, 23-, 3389-портлар) масофадан туриб бошқариш учун қўлланиладиган портларга Интернет орқали киришнинг имконияти йўқ. Агар бирор сабаб билан уларга кириш зарурати туғилса, кириш портини стандарт усулдан бошқа бирор усулга ўзгартиринг. Масалан, SSH хизматини 22 стандарт портидан 2220 портига қайта конфигурация қилинг ва/ёки кириш имкониятини берувчи пароллар ўрнига калитлардан фойдаланишга ўтинг. Бу ҳолда паролларнинг автоматик равишда кўпайиб кетиши кескин камаяди.
- Интернетга кириш/ундан олиш имкониятини берувчи тармоқ жиҳози тўғри конфигурация қилинган. Яъни IT ва ахборот хавфсизлиги ходимлари компаниянинг корпоратив тармоғидан ёки тармоққа трафик киритиш қоидаси ким томонидан, қайси буюртма асосида, қай мақсадларда ташкил этилганлигини аниқ биладилар.
- Ахборот тизимида номаълум бўлган/четлатилган фойдаланувчилар, айниқса администрация ҳуқуқларига эга фойдаланувчилар мавжуд эмас.
- Администраторларнинг ҳисоб ёзувларидаги пароллар компаниянинг пароль сиёсатига мувофиқ ўзгартирилади ва мунтазам янгиланиб боради, энг яхши ҳолда эса маъмуриятчилик вазифаларини бажариш учун (масалан, ivanov_adm, petrov_adm) ажратиб кўрсатилган ҳисоб ёзувларидан фойдаланилади.
- Фойдаланувчилар томонидан технологик ҳисоб ёзувларидан фойдаланиш блокка тушириб қўйилади (масалан, фойдаланувчи тизимга технологик ҳисоб ёзувидан фойдаланган ҳолда кира олмайди).

ПУДРАТЧИЛАРИНГИЗНИ БИР ТЕКШИРИБ ЧИҚИНГ

Ҳозирги кунда деярли ҳар бир компанияда ахборот тизимларига киришнинг яхши ташкил этилган ва қулай «дарвозалари» мавжуд. Улар компаниянинг ўз ичидаги эмас, балки ташқи пудратчилар томонидан қўллаб-қувватланадиган тизимлар учун қўлланилади. Сизнинг IT-ечимларингизга етказиб берувчиларнинг, яъни техник қўллаб-қувватлаш хизматларини тақдим этувчи, ахборот тизимлари ва сервисларни кузатиб борувчи компанияларнинг қонуний кира олиш имконияти ҳужум учун анчайин қулай вазиятни яратади.

Баъзида, ҳатто фойдаланувчи аллақандай ноодатий хатти-ҳаракатларга йўл қўяётганини кўриб туриб ҳам, администратор буни IT-тизимларни қўллаб-қувватлаш ишига йўйиши мумкин. Мисол тариқасида

Petya киберҳужумини келтириш ўринлидир. Мазкур ҳужум жараёнида жиноятчилар аввалига дастурий таъминотнинг йирик етказиб берувчисига бузғунчилик уюштирганлар, ундан сўнг эса унинг қонуний каналидан фойдаланган ҳолда банклар ва бошқа ташкилотларга ҳужум қилганлар. Шунга ўхшаш ҳодиса бир неча ой илгари бўлиб ўтди – ҳужум машҳур SWIFT тизими орқали уюштирилган.

3-маслаҳат: ушбу хатарни минималлаштириш учун исталган вақтда ва аниқ қилиб ўзингиз учун қуйидаги учта стандарт саволга жавоб бера олишингиз керак бўлади:

1. Бизга кимлар уланмоқда?

Бу саволга жавоб бериш учун ташқи техник ёрдам ходимларининг ҳисоб ёзувларини бошқариш жараёнини пухта йўлга қўйиш керак. Шу жумладан:

- ҳисоб ёзувлари амал қилишининг чекланган муддатидан фойдаланиш;
- IT-бўлинмалар раҳбарларининг мазкур ходимлар ҳаракатлари устидан назорат учун жавобгарлигини жорий этиш;
- аутсорсерлар/пудратчилар ишдан бўшатилганда ҳисоб ёзувларини блокировка қилиш зарурати тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш.

2. Бизга қачон уланишмоқда?

Пудратчиларнинг ишларини бошқариш тизимини жорий этиш ва уларга корпоратив тармоққа фақатгина юз берган ҳодисани ҳал этиш ёки режали ишларни олиб бориш зарурати туғилганда кириш имкониятини тақдим этиш мақсадга мувофиқдир.

3. Бизга қандай уланишмоқда?

Компаниянинг корпоратив тармоғига ташқаридан уланиш учун икки факторли аутентификация механизмини жорий этса бўлади. Бу ҳолда аутентификациянинг стандарт механизмидан (логин/пароль/сертификат) бўлак равишда ташқи техник ёрдам ходими бир марталик паролни киритиши керак бўлади, бу паролни у, масалан, СМС-хабар ёрдамида олади.

ЎЗ ХОДИМЛАРИНГИЗНИ ТЕСТДАН ЎТКАЗИНГ

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизим ва жараёнлари қанчалик мукаммал бўлмасин, барибир охирги фойдаланувчи – компания ходими энг қалтис нуқта бўлиб қолаверади. У бир марта хатога йўл қўйиб, хатдаги файлни очса ёки зарар келтирувчи ҳавола бўйича ҳаракатланса, ахборот хавфсизлиги юзасидан хатар юз берди ва пировардида ахборот тизимингиз бузилишга юз тутди деяверинг. Шунинг учун компаниянинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи нафақат IT ва ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассисларнинг, балки ҳар бир ходимнинг вазифасига айланиши керак.

4-маслаҳат: компанияда иккита муҳим механизмни пухта йўлга қўйиб олиш керак. Биринчидан, ходимларни энг сўнгги хатарлардан ҳамда жиноятчиларнинг иш услубларидан хабардор қилиш. Иккинчидан, ходимларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича хабардорлик даражасини мунтазам текшириб туриш лозим. Бундай тестларни ўтказишда қуйидаги усуллардан фойдаланса бўлади:

- жиноятчининг ҳаракатларини имитация қилувчи ва файлларни иловада ишга

МАЪЛУМОТ

АНДИЖОНДА ШАРДА УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ олий маълумотли юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш мақсадида юртимизда Шарда университети ташкил этилди. Бу ҳақида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълум қилди.

Университетда ўқув жараёнлари Шарда университети (Ҳиндистон) ўқув дастурлари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари талабларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича олиб борилади.

Университетда қуйидаги ва талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида юқори малакали мутахассислар халқаро стандартлар даражасида тайёрланади: ***электр муҳандислиги, ахборот технологиялари ва киберхавфсизлик, компьютер тизимларига хизмат кўрсатиш, электроника, коммуникация муҳандислиги, бизнес-менежмент.***

Университет битирувчиларига Ўзбекистон ва Ҳиндистонда олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган белгиланган намунадаги диплом берилади.

Ўқув жараёни 2019/2020 ўқув йилидан бошланади. Шарда университети Андижон вилоятида жойлашади.

солишга йўналтирилган e-mail-жўнатма;

- ахборот тизимларида фойдаланувчиларнинг аутентификация маълумотларини (логин/пароль) олиш учун ижтимоий инженерия усулларини қўллаш;
- ахборот хавфсизлигининг энг сўнгги хатарларини бошқача тарзда имитация қилиш.

Ҳаётда бўлгани каби, замонавий ахборот технологиялари соҳасида ҳам энг оддий хатоликлар, одатда, энг оммавий ва хатарли ҳисобланади. Янги ахборот хавфсизлиги тизимларига йирик маблағларни тикишдан олдин ўз IT-мутахассисларингизга оддий ва асосий туюлган нарсаларга эътиборли бўлишни ўргатинг. Бинобарин, ахборот хавфсизлиги тизими мустаҳкам устқурмага қурилмас экан, бизнинг кўп даражали мураккаб муҳофаза тизимларимиздан наф йўқ.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИБЕРХАВФСИЗЛИК

Ўзбекистонда киберхавфсизлик амалда очиқ ва тараққий этмаган масалалигича қолмоқда, дея қайд этди Ernst & Young ташкилоти консультатив хизматлар бўлимининг шерик мутахассиси Рута Макаревичиуте Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази дирекцияси томонидан ташкил этилган давра суҳбатида.

Тадбирнинг асосий мақсадларидан бири – электрон ҳукумат ва умуман рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларида киберхавфсизликни таъминлаш учун ёндашув ва ечимларни белгилаб олиш бўлди.

«Ўзбекистон ҳозирда туб ислоҳотларни бошдан кечирмоқда ва рақамли иқтисодиёт соҳасида етакчи бўлиш ғайратлари бор. Лекин киберхавфсизлик масаласи бу ерда деярли очиқлигича ва тараққий этмаганча қолмоқда. Шунинг учун киберхавфсизлик бўйича ташаббуслар жаҳон тамойилларидан кейин бизнес стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ажралмас қисмига айланиши керак», – дея таъкидлади Рута Макаревичиуте.

Ernst & Young давра суҳбати давомида 2018–2019 йиллар учун ахборот хавфсизлиги соҳасидаги 21-халқаро тадқиқотлар натижалари тақдимотини ўтказди. Унда Европа, Яқин Шарқ, Ҳиндистон, Африка, Япония, Осиё-Тинч океани минтақаси ва Шимолий ҳамда Жанубий Америкадан 1400 нафардан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, 77% компаниялар кибермуҳофазанинг дастлабки воситаларидан хавфсизликнинг анчайин ишончли тизимларига ўтиш учун йўллар қидиришмоқда. Маълумотлар махфийлиги бузилишидан кўрилган ўртача зарар 2017 йилда 3,62 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

Тадбир доирасида Mirzo Ulugbek Innovation Center ЛБМА қошидаги «Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК билан, шунингдек, RB Asia инвестицион-консалтинг компанияси билан меморандум имзолади, у марказ резидентларига капиталини жалб этиш ва бизнесни кенгайтиришга ёрдам беради.

КИБЕРХАВФСИЗЛИКНИНГ ГЛОБАЛ ИНДЕКСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕЙТИНГИ: ИЛДАМ ЎСИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Халқаро электр алоқаси иттифоқининг (ХЭАИ) Киберхавфсизлик глобал индексида Ўзбекистон 41-позицияга кўтарилди ва киберхавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича МДҲ етакчилари сафидан жой олди.

2017 йилда Киберхавфсизликнинг глобал индексида Ўзбекистон 93-ўринда турганлиги мамлакатимизда АКТ соҳасини янада тараққий эттириш учун туртки берди. Халқаро электр алоқаси иттифоқининг рейтинг натижаларига бағишланган маъ-

> Хавфсиз шаҳар технологияларини жорий этиш соҳасидаги ташаббуслар, электрон ҳукуматни яратиш ва ривожлантириш концепцияси ва ёндашувларининг қайта кўриб чиқилиши, ахборот ва киберхавфсизлик масалаларига кучли эътибор қаратилиши – буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг Россия ва Қозоғистон, ҳатто бир қатор Европа давлатлари – Чехия Республикаси, Словения, Молдова ва бошқалар билан бир қаторда етакчилик қилаётганининг эътироф этилишида муҳим роль ўйнади.

рузаси ўрганилганда маълум бўлдики, мамлакат раҳбарияти ўз олдига қўйган мақсади – ахборот технологиялари ва кибермуҳитни ривожлантиришда Тинч океани ва Марказий Осиё минтақалари йўлбарс мамлакатлари, Ғарбий Европа, Америка сингари ривожланган мамлакатлар сафига кўтарилиш, шу билан бирга МДҲ мамлакатлари орасида етакчилар учлигига кириш сари амалга ошираётган саъй-ҳаракатларидан хорижий шериклар деярли хабардор эмаслар.

Хавфсиз шаҳар технологияларини жорий этиш соҳасидаги ташаббуслар, электрон ҳукуматни яратиш ва ривожлантириш концепцияси ва ёндашувларининг қайта кўриб чиқилиши, ахборот ва киберхавфсизлик масалаларига кучли эътибор қаратилиши – буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг Россия ва Қозоғистон, ҳатто бир қатор Европа давлатлари – Чехия Республикаси, Словения, Молдова ва бошқалар билан бир қаторда етакчилик қилаётганининг эътироф этилишида муҳим роль ўйнади.

2019 йилнинг март ойида кейинги икки йиллик меҳнат якунлари бўйича киберхавфсизликнинг жаҳон рейтингида Ўзбекистонга 52-ўрин берилгани маълум бўлди. Очиқ манбаларнинг ўрганилиши, ХЭАИ тузилмасидаги турли ташкилотлар билан ўзаро муносабатлар ўрнатилиши, Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқалар, шу жумладан, киберхавфсизлик масалаларига доир халқаро алоқаларни кенгайтиришга бўлган ошкора интилиши жаҳон ҳамжамияти мамлакатимизнинг киберхавфсизликни баҳолашга қанчалик жиддий киришганини очиқ-равшан кўрсатиб берди.

Ижобий кўрсаткичлардан бири ҳукуматнинг давлат-хусусий шериклик салоҳиятини, шу жумладан, АКТни давлат ва жамият ҳаётига жорий этиш бўйича хорижий аппарат-дастурий ечимларни ишлаб чиқувчи ва етказиб берувчилар салоҳиятини ривожлантиришга кўмак бериши бўлди.

Мазкур натижаларга 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни, шу жумладан, ахборот хавфсизлиги ва ахборотни муҳофаза қилишни таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича вазифаларни изчил амалга ошириш йўли билан эришилди.

ABSTRACTS

WHAT IS CYBERSECURITY AND WHY IS IT NEEDED?

The most valuable thing today is information. As the value of information in the world grows, methods of its protection are becoming more expensive. Media about cybercrime is often spreading news, but the root of the problem is overlooked. Usually, the consequences are written about, but the reasons until do not open. Usually, the consequences are written about, but the reasons remain not disclosed. However, there are five main errors, which can lead to severe consequences. The article talks about these mistakes, about what to do to prevent them from happening.

Инновациялар бўлими томонидан тайёрланди.



XIX АСР 2-ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛГАН МОЛИЯ ВА СОЛИҚ СИЁСАТИГА БИР НАЗАР

И. Бакиева, Ш. Кенжаев, Р. Абдирашидов, *Тошкент молия институти*

XX аср бошларида Туркистонда подшо Россиясининг мустаҳкам ўрнашиб олиши кузатилди. У ўз сиёсий агентлари (вакиллари) ёрдамида Бухоро амири ва Хива хони ваколатларини чеклабгина қолмай, уларни қўғирчоққа айлантириб, рус ва ғарб сармоядорларининг ишлаши ва яшаши учун қулай шароит яратади, турли компаниялар, акциядорлик жамиятлари манфаатини кўзлаб иш юритади.

Туркистон генерал-губернаторлиги тарихини тадқиқ этишда шахсий характердаги материаллар асосий манба бўлиб, улар қаторига кундаликлар, мемуарлар ҳамда Туркистондаги солиқ сиёсатига дахлдор бўлган ёки ундан яхши хабардор давлат арбобларининг хотиралари ва эсдалик хатлари кирган. Бу манбаларнинг бир қисми нашр этилган бўлиб, қолганлари архивларда сақланмоқда[1].

Бошқа манбалар билан солиштирганда, мазкур турдаги манбалар расмий маълумотларда камдан-кам учрайдиган, ўша давр юқори доираларида молия ва солиқ сиёсатига оид баҳс-мунозаралар жараёнлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш ва айрим масалаларга аниқлик киритишга ёрдам беради. Молия ва солиқ масалаларини ёритишда А.Н. Куропаткин[2], Н.П. Остроумов[3],

[1] *Остроумов Н.П. Константин Петрович фон Кауфман – устроитель Туркестанского края. Личные воспоминания. – Ташкент, 1899. – 216 с.; Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. – Полтава, Электрическая типолитография И.Л. Фришберга, 1912. – С. 55.; Федоров Г.П. Моя служба в Туркестанском крае // Исторический вестник. 1916. Т. 133. №9. – С. 786-812; Т. 134. №10. – С. 33-35; №11. – С. 437-467 и №12; Стеткевич А. Убыточен ли Туркестан для России? – СПб.,1899 и др.*

[2] *Красный архив. 1927. №1 (20).*

[3] *Остроумов Н.П. Константин Петрович фон Кауфман – устроитель Туркестанского края. Личные воспоминания. – Ташкент, 1899. – 216 с.*

А.В. Кривошеин[4], Г.П. Фёдоров[5], А. Стеткевич[6]нинг хатлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Россия зироатчилик ва давлат мулки вазири А.В. Кривошеин 1912 йилда хизмат сафари билан Туркистонга ташриф буюриб, ўлкада мустамлакачиликни тўғри йўлга қўйиш борасидаги ўз мулоҳазаларини баён этади ва «ўлкани ярим аср мустамлака қилган давлат каттароқ нарсаларга умид қилишга ҳақли» эканлигини билдиради[7]. Бироқ кўпчилик томонидан таъкидланган, табиий захираларга бой жанубий минтақа империя томонидан «етарлича» ўзлаштирилмаётганлиги тўғрисидаги фикрларга қарши ўлароқ, «ўлкада ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш» борасидаги аниқ сиёсий йўналиш А. Кривошеинда учрамайди.

Ўлка генерал-губернатори С.М. Духовскойнинг топшириғига биноан А. Стеткевич

1869–1896 йиллар оралиғида тўпланиб келган 132 млн. рубллик дефицитни империяга етказилган зарар сифатида қараш нотўғридир. Агарда ҳарбий харажатларга кетган 174 млн. рубль маблағ ҳисобга олинадиган бўлса, Туркистон Россияга 42 млн. рубль даромад келтирганлиги ойдинлашади.

ўзининг «Россия учун Туркистон камомадлими?» деб номланган мақоласини чоп этади. А. Стеткевичнинг таъкидлашича, 1869–1896 йиллар оралиғида тўпланиб келган 132 млн. рубллик дефицитни империяга етказилган зарар сифатида қараш нотўғридир. Агарда ҳарбий харажатларга кетган 174 млн. рубль маблағ ҳисобга олинадиган бўлса, Туркистон Россияга 42 млн. рубль даромад келтирганлиги ойдинлашади. Бунга ички вилоятлардаги армиялар иқтисодий таъминотига сарфланган маблағлар ҳам қўшилса, бу маблағ 60 млн. рублга ўсишини муаллиф қайд этади.

Россия Молия вазири С.Ю. Витте томонидан А. Стеткевичнинг хулосалари танқид қилиниб, Туркистон иқтисодий инқироз ҳолатида эканлиги, унинг иқтисодий ютуқлари омили «Россия томонидан қилинаётган улкан миқёсдаги моддий қурбонликлар»да эканлиги кўрсатиб берилади. С. Виттенинг фикрича, Туркистон пахтачилигига киритилган рус сармоялари минтақани ривожлантиришда энг муҳим манба ҳисобланади ва «аҳолида пул йиғимларининг» ўсишига сабаб бўлади[8]. Унинг

[4] *Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. – Полтава, 1912. – С. 55.*

[5] *Федоров Г.П. Моя служба в Туркестанском крае // Исторический вестник, 1916. Т. 133. №9. – С. 786–812; Т. 134. №10. – С. 33–35; №11. – С. 437–467 и №12.*

[6] *Стеткевич А. Убыточен ли Туркестан для России? – Ташкент, 1899.*

[7] *Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. – Полтава, 1912. – С. 69, 72.*

[8] *Витте С.Ю. Воспоминания. Т. I. (1849 – 1894). – М., 1960. – 555 с.*

фикрига мувофиқ, буларнинг ҳаммаси «маҳаллий халқнинг руслар ҳукмронлиги даврида қотиб қолган солиқ тўлаш имкониятини яхшилашда» энг асосий омил бўлиб хизмат қилади[9].

Туркистоннинг иқтисодий захираларидан империя харажатларини қоплаш йўлида фойдаланиш масаласи илк бор ҳарбий идоралар томонидан кўтарилган эди. 1879 йилда полковник А.Н. Куропаткин (бўлажак Каспийорти вилояти губернатори, Россия Ҳарбий вазири, 1916–1917 йилларда Туркистон генерал-губернатори)нинг «Россиянинг Осиё қисми, Кавказ ва Оренбург ўлкаси бўйича кирим-чиқимлари ҳисоби тажрибаси» номли хати Ҳарбий вазирликка тақдим этилган эди. Ўз хатида у мустамлакалардаги иқтисодий вазиятларда сарф-харажат ва даромадларни ўрганиш амалиёти деярли йўлга қўйилмаганлигига, шу жумладан, Туркистон генерал-губернаторлиги ҳам бу ҳолатдан мустасно эмаслигига эътибор қаратган. Муаллиф империя харажатларини қоплашда биринчи қадам сифатида Туркистон аҳолисини ҳарбий харажатларни қоплашга жалб қилиш таклифини киритган. А.Н. Куропаткиннинг хатида молиявий компенсация сифатида Туркистон аҳолисидан бир йил учун 3 125 000 рубль ҳарбий солиқлар ундириб олиниши лозимлиги таъкидланган[10].

1884–1886 йилларда Туркистоннинг мусулмон аҳолисига нисбатан ҳарбий солиқларни жорий қилиш масаласи «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»нинг лойиҳасини тайёрлаш комиссиясида муҳокама этилган бўлиб, 1891, 1898 ва 1904 йилларда империянинг Давлат Кенгашида кўриб чиқилган. Бироқ бу қонун лойиҳаси рус-япон урушининг бошланиши натижасида тасдиқланмай қолиб кетган. Маҳаллий аҳоли томонидан тўғридан-тўғри ва қисман тўланадиган солиқ йиғимлари ислоҳоти Туркистондан олинадиган даромад манбаининг ўсиш омили сифатида хизмат қилиши керак эди.

> А.Н. Куропаткиннинг хатида молиявий компенсация сифатида Туркистон аҳолисидан бир йил учун 3 125 000 рубль ҳарбий солиқлар ундириб олиниши лозимлиги таъкидланган.

Шундай қилиб, кундалик ва хатлардаги ўлка ҳақидаги маълумотлар субъектив бўлиб, уларни бошқа манбалар билан синчиклаб солиштириш лозим, бироқ улардан у ёки бу идоранинг яширин мақсад ва манфаатларини, амалдорларнинг у ёки бу масала бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари, нуқтаи назарлари ва кайфиятларини билиб олиш мумкин.

Туркистон ўлкасида мустамлакачилик ва улуғ миллатчиликка асосланган маъмурий-сиёсий режим ҳукм сурган. Россия ҳукумати ўзбек ва бошқа туб халқларга сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар беришни хаёлига ҳам келтирмаган. Россия

[9] *Стеткевич А. Убыточен ли Туркестан для России? – Ташкент, 1899.*
[10] *Витте С.Ю. Воспоминания. Т. 1. (1849–1894). – М., 1960. – С. 274.*

матбуоти ва илмий асарларида Туркистон ўлкаси очиқдан-очиқ «Россия мустамлакаси» номи билан келтирилган. Аҳвол ҳатто шу даражага бориб етганки, «Русский Туркестан» («Рус Туркистони») атамасини ишлатиш одат тусига айланган. Шунингдек, туб халқлар «ўзбеклар», «қозоқлар» деб асл номлари билан эмас, балки «инородец» («бегона зот»), «туземец» («ерли аҳоли») деб юритилган. Мустақилликнинг бой берилиши, сиёсий хавф-хатар ва адолатсизлик бутун жамият аҳолисини Россия империясига қарши кучли мухолифатга айлантирди.

Мамлакат аҳолисининг асосий қисми деҳқонлар, чорвадорлар ва шаҳар ҳунармандлари (косиблар)дан иборат бўлган. Россия империясининг Сиёсий агенти Бухоро амири ва унга алоқадор шахслар устидан махфий назорат ва кузатув олиб борувчи марказ вазифасини адо этган. Бухоро амирлигининг 1895 йил 1 январдан Россия божхона тизимига киритилиши ҳам мустамлакачилик сиёсатининг бир кўриниши бўлди. Империянинг XX аср бошларида Бухорода ўтказган пул ислоҳоти ҳам ана шу мақсадга қаратилган эди. Божхона соҳасида давлат мустақиллигининг йўқотилиши ва Бухоро тангаси (миллий валюта)нинг рус рублига бўйсундирилиши Бухорони Россиянинг хомашё макони ва арзон бозорига айлантиришда муҳим босқич бўлди. Бухоро амирлиги давлат бошқарувида уламолар ва мулкдорларнинг роли алоҳида ажралиб турган. Уламолар (диний арбоблар), бир томондан амир ҳокимиятини мустаҳкамлашга, иккинчи томондан мамлакатдаги бутун сиёсий ва иқтисодий, шунингдек, маънавий ҳаётга таъсир ўтказишга ҳаракат қилишар эди.

Туркистон ўлкасига оид эсдалик, кундалик ва ёдномаларда Туркистонда Россия империяси мустамлакачилиги йилларидаги давр руҳи акс этган бўлиб, уларда муаммо ўз замонасининг ғоявий талаблари асосида талқин қилинган эса-да, Россия империясининг Туркистон ўлкасида олиб борган молия ва солиқ сиёсати, унинг шаклланиши, динамикаси ҳамда оқибатларига оид маълумотлар кенг илмий муомалага олиб киритилганлиги билан аҳамиятлидир.

ABSTRACTS

A GLANCE AT THE FISCAL AND TAX POLICY CONDUCTED IN TURKISTAN IN THE 2ND HALF OF 19TH – BEGINNING OF 20TH CENTURY

The article describes how Tsarist Russia firmly entrenched at the beginning of the 20th century in Turkestan, with the help of its political agents, and not only limited the powers of the Emir of Bukhara and Khan of Khiva, but also turned them into a puppets, created favorable conditions for work and residence of Russian and Western investors, acted in the interests of various companies. The authors, based on archival materials, believe that a deficit of 132 million rubles, which accumulated in 1869-1896, is not damage to the empire, but, on the contrary, if we also take into account 174 million rubles that were spent on military spending, then Turkestan brought Russia an income of 42 million rubles.

КРЕДИТ БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАР ТЎЛАНМАГАНИ УЧУН DEUTSCHE BANK 20 ТОННА ОЛТИННИ НАЗОРАТГА ОЛДИ

Венесуэла 2016 йилда олинган кредити бўйича молиявий келишувни бажармагани учун Deutsche Bank унга тегишли бўлган 20 тонна олтинни мусодара этди, дея маълум қилади Bloomberg агентлиги хабардор манбаларига таяниб.

Агентликнинг қайд этишича, на Deutsche Bank вакиллари, на Венесуэла Марказий банкининг ахборот хизмати бунга шарҳ беришга розилик беришмаган.

Агентликнинг ахборотига кўра, 2016 йилда имзоланган келишув доирасида Венесуэла банкдан 750 млн АҚШ доллари миқдорида кредит олган ва 20 тонна олтинни гаров ўрнида тақдим этган. Маълум қилинишича, Венесуэла муддати 2021 йилда тугаши лозим бўлган келишув шартларини бажармаган, шу муносабат билан банк келишув амал қилишини муддатидан олдин тугатиш ва олтинни мусодара қилишга қарор берган.

Венесуэлада мамлакатга қарши жорий этилган молиявий ва иқтисодий санкциялар таъсири остида узоқ вақтдан буён чуқур иқтисодий инқироз давом этмоқда. Халқаро валюта жамғармаси Венесуэла ЯИМ 2019 йилда 25%, келаси йилда 10% йўқотишини кутмоқда, инфляция 2019–2020 йилларда 10 000 000% даражасида бўлиши прогноз қилинаётир.

СИНГАПУР ВА БРИТАНИЯ МОЛИЯ БОЗОРЛАРИДАГИ КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ НИЯТИДА

Сингапур ва Буюк Британиянинг молия маҳкамалари молия бозорларидаги кибержиноятчиликка қарши курашиш чораларини кучайтиришни келишиб олишмоқда, дейилади Англия Банки ва FCAнинг молиявий бозорлар бўйича Британия регулятори хабарномасида.

Мамлакатлар унинг устида иш олиб бораётган ўзаро англашув тўғрисидаги меморандум доирасидаги ҳамкорлик Сингапур ва Бирлашган Қиролликнинг молиявий регуляторлари ахборот алмашинувининг самарали йўлларини қидиришни, шунингдек, ўқитиш мақсадида ходимлар алмашинувини назарда тутади.



Англия Банкининг раҳбари Марк Карни айтадики, молиявий компаниялар учун кибержиноятчиликнинг ўртача қиймати охирги уч йилда 40%га ошган.

«Киберхатар географик чегаралар билан чекланиб қолаётгани йўқ, бу эса ўсиб бораётган ушбу хавф-хатарни бартараф этиш учун халқаро ҳамкорликни тақозо этмоқда. Англия банки билан пруденциал назорат бошқармаси (FCA таркибига кирувчи) MAS (Monetary Authority of Singapore) билан биргаликда молия секторининг киберхавфсизлиги бўйича ўзаро англашув тўғрисидаги меморандум устида ишлаётгани мени хурсанд қилди. Бу бизнинг киберхатарлар соҳасида глобал ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор мамлакатлар билан олиб бораётган ишларимиз билан ҳамоҳанг келади», – таъкидлади Карни.

ИТАЛИЯ ДАВЛАТ ҚАРЗИНИНГ МИҚДОРИ ТАРИХИЙ НУҚТАСИГАЧА КЎТАРИЛДИ

Италия давлат қарзининг миқдори жорий йилнинг апрелида навбатдаги рекорд натижани кўрсатди ва тарихий нуқтагача – 2,373 трлн. еврога кўтарилди, хабар беради мамлакат Марказий банки Bankitalia.

Март ойи билан солиштирганда Италиянинг суверен қарздорлиги 14,8 млрд. еврога ортган. Бу, биринчи навбатда, 13,9 млрд. еврога ошган марказий давлат маъмуриятининг харажатлари кўтарилиши ҳисобига юз берди.

Шу муносабат билан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича етакчи итальян ташкилоти Codacons ҳозирги вақтда мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига тўғри келувчи давлат қарзи 39 минг евродан ошиқ эканлигини хабар беради, айни вақтда ҳар бир итальян оиласига 93 минг евродан ортиқ қарз тўғри келади.

«Буларнинг барчаси ЯИМ пасаяётган, савдодан тортиб саноатгача бўлган турли тармоқлар салбий тамойилни

кўрсатаётган бир пайтда юз бераётир», – деб кўрсатилади Codacons хабарномасида.

Европа комиссияси 5 июнда Италиянинг ўта юқори давлат қарзи билан боғлиқ вазиятга тузатиш киритиш тартиб-таомилларини жорий этиш асослидир, деб расмий баёнот берди. Худди шундай хабар Римга юборилган, 20 июнга қадар Италия ҳукумати мазкур масала юзасидан ЕКга жавоб йўллаши керак.

Май ойининг охирида ЕК раисининг ўринбосари Валдис Домбровскис Италия ҳозирда ЕИдаги энг суст ривожланаётган иқтисодиёт эканлигини эътироф этди. Бундан ташқари, мамлакатнинг ЯИМ ўсиш прогнози Еврокомиссия томонидан бирмунча пасайтирилган эди. Хусусан, ЕКнинг охирги, баҳорги иқтисодий прогнозига биноан Италиянинг ЯИМ 2018 йилда 0,9%га ошган, 2019 йил учун кутилаётган ўсиш бор-йўғи 0,1%ни ташкил этиши, 2020 йил учун эса 0,7% кўтарилиш башорат қилинаётир.

ВЕНЕСУЭЛАДА ИНФЛЯЦИЯ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН 900%ДАН ОШИБ КЕТДИ

Венесуэлада нархлар ошиши жорий йилнинг бошидан буён 900%дан кўпни ташкил этди. Бу маълумотларни душанба куни Миллий ассамблеянинг (бир палатали парламент) молия бўйича қўмитаси аъзоси Анхель Альварадо ошкор этди.

«Инфляция май ойида 31,3%ни ташкил этди, жамғарилган инфляция эса [жорий йилнинг январидан] – 905,6% бўлди», – ёзади депутат ўзининг Twitterида.

Йиллик ифодада нархлар ўсиши 815 000% даражасида бўлди. Апрелда товар ва хизматларнинг қиймати Боливар Республикасида 44,7%га кўтарилган, бунда йиллик ифодада инфляция 1 300 000% даражага етди.

Жанубий Америкадаги бу мамлакат сўнгги йилларда миллий валютанинг девальвацияси



кузатилаётган ҳолда кучли ижтимоий-иқтисодий инқирозни бошдан кечирмоқда. Халқаро валюта жамғармаси жорий йилнинг охирига бориб Венесуэлада инфляция 10 000 000%га етиши мумкинлигини башорат қилади.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Илмий-амалий ойлик журнал

БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ

Ҳурматли муштарийлар!

Нашримизга 2019 йилнинг 2-ярми учун обуна давом этмоқда. Агарда Сиз улгурмаган бўлсангиз, 6 ойлик обунани расмийлаштириш имкониятига эгасиз.

Бунинг учун Сизда обуна бўлишнинг қуйидаги бир қанча турлари мавжуд:

1. Таҳририят www.bpk.uz сайтининг «Обуна» рукнидан шартномани юклаб олинг ва тўғридан-тўғри обунани расмийлаштириб, вақтингиз ва маблағингизни тежанг.
2. «O‘zbekiston pochtasi» AJнинг «Matbuot tarqatish» филиали барча бўлинмалари орқали.
3. «MATBUOT TARQATUVCHI» AKнинг барча бўлинмалари орқали.
4. Шунингдек, обунани фақатгина таҳририят томонидан тавсия этилган, Тошкент шаҳрида ва вилоятларда фаолият юритаётган ҳамда таҳририят билан шартнома имзолаган бир қанча обуна ташкилотлари орқали расмийлаштиришингиз мумкин. Обуна ушбу ташкилотлар орқали расмийлаштирилса, таҳририят журнални ўз вақтида етказишни кафолатлайди:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ:
«KALEON INFORM» МЧЖ – 71-267-33-01;
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70;
«MATBUOT TEZKOR POCHTASI» МЧЖ – 71-233-56-86;
«MATBUOT YETKAZUVCHI» МЧЖ – 97-771-92-24;
«DAVRIY ZIYO NASHRLAR» МЧЖ – 97-707-21-15;
«TOSHKENT MATBUOT TARQATUVCHI MEDIA» МЧЖ – 97-737-30-57;
«SHAGAY PRESS SERVIS» МЧЖ – 97-598-91-69;
«EXPRESS CONTACT» МЧЖ – 93-555-51-13.
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63

Обуна индекси: **853**

Сизни қизиқтирган барча саволларга таҳририятнинг қуйидаги телефон рақамлари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин:

(+998)71-291-60-20;
(+998)97-752-44-77

«Бозор, пул ва кредит» журнали Сиз учун энг янги, энг фойдали ва энг қизиқарли маълумотларни тақдим этади!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ:
«SAYYOR 2017» МЧЖ – 91-112-01-00;
«MATBUOT YETKAZUVCHI» МЧЖ – 97-771-92-24;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

БУХОРО ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT TONGI» МЧЖ – 91-599-58-98;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT YETKAZUVCHI» МЧЖ – 97-771-92-24;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT TARQATUVCHI» МЧЖ – 97-797-37-73;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ:
«SAYYOR 2017» МЧЖ – 91-112-01-00;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT UYUSHMASI» МЧЖ – 66-234-03-96;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOTCHI» МЧЖ – 91-621-95-91;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT YETKAZUVCHI» МЧЖ – 97-771-92-24;
«SURXON MATBUOT NASHRLARI» МЧЖ – 91-586-70-00;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ:
«SAYYOR 2017» МЧЖ – 91-112-01-00;
«FARG'ONA MATBUOT POCHTASI» МЧЖ – 90-583-08-80;
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

Хизматлар лицензияланган



10 ЛЕТ

ASIA ALLIANCE BANK

Юбилей

Ваших новых возможностей!

71 231 60 00

www.aab.uz

Услуги лицензированы

Уб. 42682с

NBU

КАРТОЙ ПЛАТИ И В ОТПУСК ЛЕТИ

*Совершайте покупки кобренд картой **VISA** и за каждую покупку получайте мили. Копите мили и обменивайте их на полеты в любую страну. Можно также повысить класс уже купленного рейса с помощью миль. Получите в подарок **1000** миль и страховку. Привилегированная кобренд карта дает владельцу скидки от **5** до **20%** на услуги партнеров программы **VISA**.*

uznbu nbu_official @nbu.official www.nbu.uz 78 148 00 10

Услуги лицензированы